

# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2011-yil 16-sentyabr • №38 (4125)


## МЕН УЧУН АЗИЗ ЮРТ

**Дил изҳори**

Ўзбекистон Республикасининг 20 йиллиги арафасида мен учун қадрдон бўлиб қолган, байрамона безанган Тошкент шаҳрида бўлганимдан қанчалар хурсанд эканимни яширмайман. Келинчакдай ясанган Тошкентнинг шунчалар обод бўлиб кетганидан ҳайратга тушдим. Кўчалар тоза, озода, одамлар чеҳраси очиқ. Байрам тантаналарини томоша қилдим. Бу чиндан ҳам озод элнинг байрами эди! Ўзбек халқининг мустақиллик йўлидан дадил олға бораётганига яна шоҳид бўлиб турибман.

Байрам тантаналарини, мамлакатдаги шод-хуррамликни кўриб, хаёлим бир оз ўтмишга кетди. Ижозат бўлса, бир-икки оғиз ўзимдан сўз айтсам. Германия фуқаросиман. Тақдир мени Америкага етаклади. Сиэтл шаҳридаги Вашингтон университетида 1968 йилдан бери профессор бўлиб ишлаб келаман. Туркшуносман. Ўша пайтлар кўп йил Ўзбекистонга ташриф буюриш орзуси билан яшагандим. Ниҳоят, 1972 йил май ойида Тошкентга келдим. Тошкентда бўлганимда мутасадди кишилар билан учрашдик, суҳбатлашдик. Суҳбатда Тошкент ва Сиэтл ўртасида дўстлик алоқаларини йўлга қўйиш таклифи ўртага ташланди. 1972 йил октябр ойида Тошкент ва Сиэтл биродарлашган шаҳарлар ташкилотини тузишга келишилди. Ҳа, айтганча, Сиэтл — Тошкент биродарлашган шаҳарлар ташкилоти президенти ўринбосариман. Ўшанда бу воқеа Ўзбекистоннинг мустақиллик сари ташлаган ўзига хос қадамларидан биридай туюлган эди...

1991 йил 31 август куни муҳтарам Президент Ислом Каримов Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилганда, ўзимни шунчалар бахтиёр сездимки, таърифлашга ожизман. Ўзбекистон Республикасининг 20 йиллигидан илҳомланиб, қувонч туйғуларим табрик хатига сиғмаганидан ушбу қисқа мақолани битишга қарор қилдим. Фурсатдан фойдаланиб, истиқлолнинг йигирма йиллиги ҳақида баъзи фикрларимни изҳор этмоқчиман.

Ўзбекистон дастлабки кунларданоқ, ривожланиш борасида бошқа айрим давлатларга ўхшаб тақлидчилик йўлидан бормади, аксинча, ўз мустақил йўли борлигини, ўзига хос йўлдан ҳаракат қилишини дунёга маълум қилди. Ўзбекистон мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб муҳим ва керакли режаларни чуқур ўйлаб, ўзбек халқининг ҳикматли мақолида айтилганидай, етти ўлчаб бир кесиб, амалга ошира бошлади. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзидан қуйидаги сатрларни келтирмай иложим йўқ: “Биз юртимизда янги ҳаёт барпо этишнинг биринчи кунларидан бошлаб ҳақиқий эркинлик ва истиқлолга эришиш – бу фақат мустақилликни қўлга киритиш эмас, балки уни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қуриш ва мустаҳкамлаш, халқаро ҳамжамиятда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ва ҳурмат қозонишдан иборат эканини теран англаб олдик”.

Давоми иккинчи саҳифада.



## ДУНЁДАГИ ЭНГ ГЎЗАЛ АСАР

**Ватан учун яшайлик!**

Кунларнинг бирида таниқли мусаввир дунёнинг энг гўзал асарини чизишга қарор қилиб, бунинг учун ана шу мезонга асос бўла оладиган ғояни топиш мақсадида саёҳатга чиқибди. Йўлида кекса одамни учратиб қолибди. Ундан дунёдаги энг гўзал нарса нима бўлиши мумкинлиги ҳақида сўрабди. Отахон ҳеч иккиланмасдан «Имон, болам, имон!» дебди. Сокин боғ оралаб юрган йигит билан қиздан сўраганида эса «Дунёдаги энг гўзал нарса — севги», дейишибди. Мусаввир йўлида давом этибди. Энди унга урушдан қайтаётган аскар дуч келибди ва саволига «Тинчлик» дея жавоб берибди.

Рассом Имон, Севги ва Тинчликни бир расмда яхлит ифода этиш хусусида ўйлай-ўйлай ортга қайтибди. Уйига кириши билан бир манзарадан лол қолибди: болаларининг маъсум қарашида Имон, аёлининг кўзларида Севги, хонадонида эса Тинчлик ҳукм сурарди. Рассом илҳом билан кўзлаган асарини чизишга киришади. Ва унга шундай ном беради: «Менинг оилам».

Бу, албатта, ривоят. Аслида ҳақиқат ҳам шу.

Дунёда инсон учун энг зарури тинчлик, соғлиқ, муҳаббат ва имондир. Оила эса уларнинг барчасини ўзида мужассам этади. Шу боисдан муқаддас саналади. Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, миллий урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

Давоми иккинчи саҳифада.

## ВАТАНГА МАКТУБЛАР

### БИРИНЧИ МАКТУБ

Шунақаси ҳам бўладими? Албатта, бўлади: бунда эзгулик бор. Эзгулик бор экан, нега Ватанга мактуб битмаслик керак?! Бир кўз ташлаб кўринг-чи!

“Мен сенинг йигирма ёшлигингни чизишга кўп ҳаракат қилдим, аммо ҳар сафар нимадир етишмагандай бўлди. Икки гўзал кокилингни бугунги Тошкент, Самарқанд жамолини,- Фарғона, Сурхон воҳаларини, Бўстонлиқ табиатини, Сангардак шаршарасини, кўз билан кўриб, тасаввур қилиш мумкин, лекин бу беқиёс, бетимсол гўзалликни сўзда ҳам, тасвирда ҳам жонли тасвирлаш мушкул иш. Энди оёққа турганингда, пойтахтимизнинг муҳташам боғига Навоий ҳазратлари кириб келдилар-у, сенинг кўксинг тўлиб, қут-барака ёғила бошлади. Ҳар сафар жаннатнинг тўртдан бир дарёси бўлмиш Амударё бўйларида сенинг тоза, покиза ҳавонгдан тўйиб-тўйиб нафас олганимда, шу юртда туғилганимга шукрона айтарканман, ўхшатолмасам-да, яна мафтункор суратингни чизгим келади. Нима учун чизмаслигим керак?!

Мустақиллик майдонидаги “Бахтиёр она” ҳайкали, “Эзгулик монументи ва аркаси”, ундаги оппоқ турналарга қараганимда, ям-яшил майдонлардан ўтиб, оппоқ фавворалардан баҳра олганимда, хаёлимда яна суратингни чизаман, аммо яна ўхшатолмай ўкинаман. Барака кезиб юрган олтин буғдойзорлар, хурмозорлар, олмазорлар, узумзорлар, янги кўркам қишлоқлар, обод шаҳарлар, равон, текис йўллар, учқур “Афросиёб”, янги-янги автомобиллар, гуркираб келаётган янги авлод — буларни фақат юраксиз кимса англамаслиги мумкин. Менинг-ку қўлимга қалам тутқазган ўзинг! Алпомишдек бўй-баст, куч-қудрат эмас, миттигина қаламни раво кўрдинг. Шукр, дейман ва ана шу митти қалам билан кундан-кун очилиб бораётган жамолингни чизмаслик мумкинми?! Мен ана шуларнинг ҳаммасини қоғозларда нақшланишини истайман, лекин бу осон эканми? Адабиётнинг катта-катта нонини еганлар ҳам бу туйғулар олдида жиддий ўйга толадилар. Лекин, нима бўлганда ҳам, фарзандлик бурчини бажариш ҳамма нарсадан афзал!”

### ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ!

Ҳимолайдан оғир ва баланд гап! Уни адо этиш осон эканми?!

Бувим бир кун китоб кўра туриб: “Агар сўз бўлмаганда, инсоният ҳеч нарсага эришолмаган бўларди, агар китоб бўлмаганида, одамларнинг қалбини занг босиб, бажарган барча яхши ишлари йўққа чиқарди. Катта боболаринг китоб ёзганлар. Сен ҳам улар айтолмай кетган гапларни қоғозга туширсанг яхши бўларди”, дедилар.

Ёзувчи бўлмоқ нима дегани? Бу аввало, Ватан, халқ ва инсоният олдидаги катта бурч эмасми? Қанчадан-қанча оқимлар тарихга айланди, лекин қалб деган олам сира эскирмайди. Бугун қалбимизда “шу Ватан меники, бутун қалбим, бойлигим уники!” деган сўз баралла жаранглайди.

Давоми иккинчи саҳифада.

## “ИСТИҚЛОЛ МАНЗАРАЛАРИ”




**Доимий ҳамроҳ**

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз арафасида “Тафаккур” нашриёти Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Истиқлол манзаралари” достонини китоб ҳолида чоп этди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган ушбу достон сўзбошисида муаллиф шундай деб ёзади: “Албатта, тўйга ҳар ким ўз тўёнаси билан боришни хоҳлайди. Истиқлолимиз шундоқ улуғвор ва залворли мавзуки, уни қамраб олиш учун ўнлаб романлар, юзлаб достонлар ёзиш керак бўлади. Азиз китобхон, мен ушбу тизмаларимда ўзим гувоҳ бўлган кўпгина ҳаётий воқеаларнинг айримларини қаламга олдим, холос. Бу ўринда менга халқона оҳанг ва қиссагўйлик мароқли туюлди”.

Достон “Йигирма йил”, “Тоғлар ҳикояси”, “Мурунтов”, “Элобод”, “Қамчиқ довони”, “Имом Бухорий”, “Женева” деб номланган қисмлардан иборат. Мазкур бобларда истиқлол арафасида миллий мустақилликка эришиш йўлидаги курашлар, истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида халқимиз маънавий қадриятларини тиклаш, улуғ аждодларимиз зиёратгоҳларини обод қилиш ҳамда Қамчиқ довонидаги халқаро автотрасса, Деҳқонобод ва Бойсун тоғларидан ўтган янги темир йўл, Устюрт чўлларидаги саноат гигантлари каби улкан бунёдкорлик қурилишлари, нодир конларни ўзлаштириш манзаралари халқона оҳангда тасвир этилган.

Китоб кирилл ҳамда лотин ёзувига асосланган янги имлода чоп этилган.

## СПОРТ — КИНО ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕДА

**Эътироф**



Бу йил олтинчи марта ўтказилган “Спорт — кино ва телевидениеда” халқаро фестивали куни кеча Киночилар уйида ўз ишини якунлади.

“Навбатдаги сараловчи фестивал юртимиз мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланаётган кунларда ўтгани тадбирга алоҳида руҳ бағишлади, — дейди Ўзбекистон “Спорт — кино ва ТВда” федерацияси раиси Собиржон Рўзиев. — Фестивалда Италия, АҚШ, Австралия, Австрия, Хитой, Черногория ва Ўзбекистон студияларининг спорт ҳақида турли жанрларда яратган филмлари намойиш этилди. Бу анжуман юртимиз ёш кино-телефилмлар ижодкорлари учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Мамлакатимизда спорт соҳасида яратилаётган филмларнинг савияси йилдан-йилга ортиб бораётгани, тобора кенгроқ томошабинлар аудиториясини қамраб олаётгани қувонарли ҳол”.

Дарҳақиқат, қаҳрамонлар характерини, руҳиятини чуқур очиб берган, мавзуни томошабинга етказишда турли замонавий усуллардан фойдаланиб яратилган картиналарга эҳтиёж ортмоқда.

Спорт филмлари устаси, режиссёр ва оператор Акбар Авазхўжаев “Гуанчжоуда спорт байрами” филми учун энг яхши оператор сифатида эътироф этилди.

Филмларнинг жанри, ижодий ва техник имкониятлари ниҳоятда ранг-баранг. Агар ўзбек режиссёрлари Ш.Йўлдошев ва Д.Муртазинанинг “Тарозилар” ҳамда “Теннис” анимацион филмлари икки дақиқага мўлжалланган бўлса, Хитой ижодкорлари картинаси 79 дақиқа давом этади. Черногория давлат телевизион спорт канали “Черногория спортига 150 йил тўлди” деб номланган асарни тақдим этган. “Бор-йўғи 26 дақиқада мамлакат спортининг бир ярим асрлик тараққиёт йўли ҳақида ҳикоя қилишга ҳаракат қилдик, — дейди ёш давлатдан ташриф буюрган Гелия Каримова. — Воқеаларни маромида, қизиқарли ва маҳорат билан ёритишни ният қилдик. Биз бундан буён фестивалингизда мунтазам қатнашмоқчимиз”.

«Форум ТВ» телеканали ёш ходимлари томонидан яратилган Ўзбекистон спорти ҳақидаги туркум кўрсатув-филмлар Миланда ўтадиган халқаро фестивалга йўлланма олди.

Тошкент фестивали бутун дунёда спорт ҳақидаги филмларга қизиқиш тобора ортиб бораётганини, бу каби анжуманлар санъат аҳли учун катта ижодий мактаб вазифасини ўташини яна бир бор намойиш этди.

**Флора ФАХРУТДИНОВА**

**Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимларида**

Ўзликни англаш Ватаннинг шонли тарихини билишдан бошланади. Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги арафасида Еркўрғонда олиб борилган изланишлар самарасини жаҳон қадимшунослари археологик шов-шув сифатида баҳолаган эдилар. Истеъдодли шоир Исмоил Тўхтамишев ана шу тарихий воқеалар асосида “Еркўрғон” достонини битган. Унда Ватан озодлиги мавзуси тарихий лавҳалар, афсона ва ривоятлар воситасида тараннум этилган.

Миллий қадриятларимизни, она диёримизнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини шеърий сатрларда куйлар экан, шоир мавзулар қамровини кенгроқ олади. Энг қадимги тақвимлардан бири Сийпонтош битикларидан тортиб, Тоҳир-Зуҳра афсонасию Равшанак қиссасигача, Соҳибқирон Амир Темур фаолиятидан бошлаб, шонли истиқлолимизнинг буюк неъматларигача, буюк ва муқаддас Ватаннинг ифтихорига айланган воқеаларни бадиий воқеликка айлантиришга ҳаракат қилади. Исмоил Тўхтамишевнинг “Кўҳна Насаф хаёли”, “Бобомерос юрт”, “Онамга хат”, “Сийпонтош”, “От йигитнинг йўлдоши”, “Еркўрғон”, “Шонли таянч”, “Ёниб яшаш бахти” каби китоблари ана шу тарзда дунёга келди.

## ИЖОДИЙ КЕЧА

Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят драма театрида Исмоил Тўхтамишевнинг ижодий кечаси бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Эркин Мамадиёров, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бош муҳаррири ўринбосари Мурод Абдуллаев, ижодкорлар Нафас Шодмонов, Ҳол Муҳаммад Ҳасан, Умида Абдуазимова, Адҳамбек Алимбеков, Аҳтамқул Карим, Озода Бекмуродова ва бошқалар сўзга чиқиб, Исмоил Тўхтамишев шеърлари ва достонларининг тили, оҳанги, мазмун-мундарижаси ҳақида сўзладилар.

Кечада шоир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар янгради.

**Ўз мухбиримиз.**

## ЭСКИСИ ЭСДАН ЧИҚМАСИН

**Куюнчак газетхондан мактуб**

Агар йўлингиз тушса, Қўйлиқ деҳқон бозори теварагида харидорлар учун бир қатор қулайликлар яратилганига гувоҳ бўласиз: боғдорчилик ва полиз маҳсулотлари улгуржи бозори, қурилиш моллари ва кийим-кечак савдоси билан шуғулланувчи дўконлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари...

Куни кеча машинамни автоуловлар тўхташ жойига қўйиб, янги бозорга кирдим. Расталарни айланар эканман, бу ердаги тўкин-сочинликдан кўзим қувонди. Мева-чева харид қилдим. Нархлар бошқа бозорларга солиштирганда анча арзон. Шу сабабданми, харидор кўп.

Қайтаётганда мени билагига қизил мато боғлаган йигит қарши олди ва хушмуомала билан марҳамат оқ йўл, деб мулозамат кўрсатди.

— Хизмат ҳақи қанча, ука? — деб чўнтагимни ковлашга чоғлангандим, у самимий жилмайди:

— Бизда бепул отахон!

Бундай ҳолатга биринчи марта дуч келаётганим учун ҳайрон бўлдим. Ахир кўчанинг нариги томонида жойлашган “автостоянка”дан ҳайдовчиларнинг норози оҳангда айтаётган гап-сўзлари эшитилиб турган бир пайтда бу янгилик эмасми?! Хуш кайфиятда йўлимда давом этдим. Аммо хурсандлигим узоққа чўзилмади. Кўзим хунук манзарага тушди...

Кўпчиликка маълумки, эски бозор Қўйлиқ ота мақбарасининг ёнгинасида жойлашган эди. Ушбу қадамжо ободонлаштирилди, ҳашаматли мақбара қурилди, одамлар эмин-эркин келадиган зиёратгоҳга айлантирилди. Эски бозор фаолият олиб бораётган даврда атроф супуриб-сидирилиб туриларди. Бозор кўчгач, бу ер негадир эътибордан четда қолди. Мутасаддилари ҳам уни негадир унутишди. Ҳозир ҳудудда турли чиқинди уюмлари сочилиб ётибди. Истардикки, шаҳар ободонлаштириш хизмати томонидан эски бозор майдони ҳам саранжом-саришта қилиб қўйилса, нур устига нур бўларди.

**Асрор ҒАФУР**

## ЎЗБЕК ФИЛМЛАРИ НАМОЙИШИ

Истиқлол йилларида юртимизда спортнинг турли йўналишлари жадал ривожланмоқда. Юртбошимизнинг “XXI асрда ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, интеллектуал бойликка эга бўлган авлод ва халқгина жаҳон миқёсидаги бугунги кескин мусобақада ғолиб бўла олади”, деган гапларида жаҳонда миллатнинг ўзлигини намоён эта олиш йўл-омиллари аниқ-равшан белгилаб берилган. Дарҳақиқат, дунёда етти миллиардга яқин аҳоли яшаётган бўлса, жаҳондаги энг таниқли шахслар — спортчилардир. “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади”, дея айтилган ибратли сўзлар болалар спортини ривожлантириш орқали амалга ошириладиган буюк мақсадни кўзда тутади.

Истиқлол йилларида болаларнинг 6 ёшдан сув спортига қатнай бошлагани ҳам уларнинг соғлом ва дуркун бўлиб ўсишларига ижобий таъсир ўтказа бошлади. Ўқувчи ва талабаларни оммавий спортга жалб этишнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида уч босқичли “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Бу спорт байрамлари вилоятларда спортнинг оммалашувига, спорт инфратузилмасини ривожлантиришга кенг йўл очаётир. Бугунга келиб бу ноёб тизим минг-минглаб ёшлар учун ўзига хос жисмоний ва маънавий чиниқиш мактабга айланди.

Жаҳон спорт майдонларида Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилар экан, беихтиёр бу соҳада юртимизда 20 йил давомида амалга оширилган улкан янгиланишлар кўз ўнгингиздан ўтади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ўзбек киносининг кўплаб намуналари шу жумладан спорт ҳақидаги фильмлар халқаро фестивалларда, кўрик-танловларда юксак эътирофга сазовор бўлмоқда. Шу йилнинг 8-11 сентябр кунлари Саранск шаҳрида ўтган спорт филмлари халқаро кинофестивалида “Ўзбеккино” миллий агентлиги буюртмасига биноан республика илмий-оммабоп ва ҳужжатли филмлар киностудиясида яратилган “Мен излаган фароғат шудир”, “Тулпор безаги”, “Рефери”, “Нафосат”, “Соғлом ҳаёт сари” филмлари намойиш этилди.

Фестивалда илмий-оммабоп ва ҳужжатли филмлар студиясида режиссёр Э.Мирзаевнинг (Т.Шомуродов муаллифлигида) “Нафосат” ҳужжатли фильми Италиянинг Милан шаҳрида ўтказиладиган кино ва телевидениеда спортнинг ёритилишига бағишланган халқаро фестивалга йўлланма олди. Бу ўзбек киноси дунё миқёсида тан олинаётганига яна бир далолатдир.

# МЕН УЧУН АЗИЗ ЮРТ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бугун ўша "англаш"нинг ёрқин самараларини кўриб турибмиз. Ўзбекистоннинг миллий мадҳиясидаги аждодлар руҳининг боқийлиги, ёрлиги ҳақидаги сўзлар кишини ҳаяжонга солмай қўймайди. Чиндан ҳам, Ўзбекистонда аждодлар руҳи барҳаёт, улар юрт осмонини тўлдириб, юртни ва элни



бало-қазолардан асраб туришибди, асрашига сира шубҳа йўқ. Мустақил Ўзбекистон халқи буюк ота-боболари, аждодлари билан ҳақли равишда фахрланади, руҳларини ҳурмат қилиш, мақбараларини тузатиш ёки янгидан тиклашни ўзининг муқаддас бурчи деб билади. Айни вақтда уларнинг таваллуд саналарини жаҳон олимлари иштирокида илмий конференциялар билан нишонлаш қутлуғ анъанага айланган. Чунончи, 1996 йил "Амир Темур йили"да Ўзбекистон ва Францияда муҳим конференциялар ташкил қилинди. Шу йили Сиэтлда жаноби Соҳибқиронга бағишлаб маърузалар ўқилди

2007 йил март ойида Вашингтонда Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси ҳамда Конгресс кутубхонаси ҳамкорлигида Алишер Навоий ижодига бағишлаб симпозиум ўтказилди.

Ҳайратга соладиган эзгу ишлардан яна бирини зикр этиб ўтиш жоиз. Ҳар йили декабр ойида Президент Ислом Каримов келаси йилни мамлакат ҳаётининг маълум соҳасига бағишланган махсус дастурини эълон қилади. Бу режаларни бажаришда бутун халқ иштирок этади. Бу йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб номланди. Бу қадамлар ҳам яхши самаралар бермоқда.

Ўзбекистон раҳбарининг унутилмайдиган, одамийлик намунаси бўлган савоб ишларидан яна бирини алоҳида таъкидлаб ўтгим келади. 1999 йилдан Ўзбекистонда 9 май "Ғалаба куни" деб эмас, балки "Хотира ва қадрлаш куни" деб атала бошланди. Ўзбек халқи энди бу кунда тарихда ўтган аждодларини, урушдаги қурбонларини, шавкатли фарзандларини хотирлайди, руҳи покларини ёд этади, қаторида юрган тирик инсонларни қадрлайди, мурувват кўрсатади. Мустақиллик куни арафасида 31 август куни эса Ўзбекистон эркинлиги учун курашган, қатағон қилинган шаҳидлар хотирасини ёд этиш маросими ўтказилди. Бу ҳам жуда олийжаноб инсоний қадамдир, савоб тагида қоладиган ишдир. Бу Марказий Осиё мамлакатларидан фақатгина Ўзбекистонда мавжуд. Бу жуда ибратли ҳодиса!

Ҳа, Ўзбекистон ўзига хос йўлдан илгарилаб бормоқда. Жаҳон кўриб турибдики, иқтисодий соҳада Ўзбекистон бошқаларга ўхшаб бировнинг ёрдамига кўз тикмади, кутмади, ўз салоҳиятига, ақл-идрокига, кучига суянди, 1991 йилдан бери ўз имкониятларига таяниб одим отмоқда.

Ҳар гал Ўзбекистонда бўлганимда, бу мамлакатни Ватаним, деб ҳис этаман, ўз уйимда юргандек бўламан. Бу ерда адиблар, шоирлар, олимлар ўртасида дўстларим кўп. Уларнинг шодлик-қувончларини ўзимнинг хурсандчилигимдай кўраман. Ҳамиша шодликлари – шодлигим, қайғулари — қайғумдир.

Шуни ғурур билан айтиш мумкинки, ўз мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлар экан, Ўзбекистон бугун ўзини мустақил, мустаҳкам ва кучли давлат сифатида жаҳонга кўз-кўз қилмоқда, ўзига хос йўлдан олға бормоқда.

Шундай қутлуғ кунда яқинда ўзининг қирқ йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган Сиэтл — Тошкент бирадарлашган шаҳарлар ташкилоти аъзолари ҳамда ўз номимдан меҳмондўст ўзбек халқини чин дилдан муборакбод этаман!

**Илза СИРТАУТАС,**
**Вашингтон университети профессори,**
**Ўзбекистон Миллий университети**
**фахрий доктори**

# ВАТАНГА МАКТУБЛАР

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бугуннинг ҳар куни бир роман бўлишга арзийди. Жаҳон адабиётида бир кунлик воқеалар ифода этилган катта-катта асарлар бор. Гўзал қиёфа касб этган Дўрмон боғида мушоира ўтказаётган навқирон авлоднинг бир кунлик суҳбати қоғозга туширилса, каттагина асар пайдо бўлади. Аммо бугунги адабиётимиз янги сўзга, янги қиёфаларга муштоқлигини яхши англаймиз. Тўғри, олди-қочди детектив асарларнинг бозори чаққон, аммо уларнинг эртаси йўқ. Илгаригидек фақат том-том асарлар чиқариш билан ҳам иш битмаслиги рост гап. Масаланинг нозик томони ҳам шунда. Чинакам ёзувчи, энг аввало, ана шуларни ҳис этади ва маҳоратини ишга солиб, одамларни эзгулик боғлари томон бошлаб кетади. Жаҳон адабиётида бундай мисоллар мавжуд.

Англия адабиётининг нуфузли вакили Чарльз Диккенс ижод оламига кирган паллаларда ҳам ўткинчи асарлар кўплаб яратилган: уларда картмонлари қаппайган одамлар ўзларига ниҳоятда бино қўйишиб, жамиятнинг олдинги ўринларида юришга интилганлар: ўзларини илтифотли, хушмуомала кўрсатишган, санъатни, от минишни ипидан-игнасигача билишган, қарта, шахмат ўйини ишқибози бўлишган, ичишни ҳам қийворишган. Аммо Чарльз Диккенс бундай қаҳрамонлардан юз ўгирди ва оддий етимча Оливер Твистнинг чигал ҳаётини қаламга олди. Во ажабо! Асар унга шунчалик шуҳрат келтирдики, ҳали-бери ҳеч бир ижодкор халқнинг қалбини унингдек забт этмаган эди. Ҳатто у билан учрашиш учун одамлар қаҳратон қиш пайтларида ҳам кўрпа-тўшакларини олиб келиб, кассалар олдида тунни тонгга улашган. Нега шундай бўлди? Ўзингизга мантиқан савол бериб кўринг: нега, нега? Ёзувчи шоншуҳратни, пулни эмас, одамзодни ўйлади, бир мурғак етимчанинг қалбига қулоқ тутди. Бу яратганга ҳам, халққа ҳам ёқди ва Диккенснинг халқ орасидаги шуҳрати олдида унча-мунча таниқли адибларнинг шуҳрати хиралашиб қолди.

Қалбга қулоқ солиш, унинг қатламларидаги нурларни кўриш ва уларни ифода этиш катта санъат. Аммо бу даражага етиш учун одамда қалб кўзининг очилган бўлиши, сўз санъаткорининг ўзи камолот пиллапоясида туриши, инсонлар кўрмаган нозик нуқталарни илғай олиши ва эзгу сўзи ҳам кўп бўлиши керак. Бугун эзгу сўз нафақат ўзимизга, балки Ватанга ҳам, оламга ҳам керак. Она Ер ҳам ширин сўзга илҳақ яшайди. Бу сўз ниманинг ёрдамида унга етади?

Албатта, адабиётнинг! Эсимда: олий ўқув юртида таҳсил олаётган йилларда бизникига бир зиёли киши меҳмон бўлиб келди. Мендан ёши каттароқ танишим уни ниҳоятда самимийлик билан кутиб олди ва менга: "Биласанми, бу киши Диккенсни ўқиган", деди уни мақтаб. Ўшанда зиёли кишига ҳавасим келган эди.

Бугунги ёшларни, одамларни китобга қайтариш учун яхшироқ асар ёзиб бериш муҳимроқ эмасми? Биз эса ўқувчини айблаймиз, ваҳоланки, китобхон шунчалик зуккоки, яхши асар бўлса, пулини ҳам, жонини ҳам аямайди. Лекин бугун қаршимизда анча жиддий китобхон турибди. У, керак бўлса, бир зумда компьютери билан жаҳонни кезиб чиқади: қаерда нима янгилик бор, қанақа янги китоб чиқди, Жон нима ўқияпти-ю, Иван нимани ўйлаяпти, япон қандай кашфиёт устида бош қотиряпти-ю, хитойлик нима ишлаб чиқаряпти — барисини билади. Аммо моҳиятан, хоҳ ер, хоҳ кўкда бўлсин, қўлига қалам тутган борки, одамзод маънавияти учун, барибир, масъулдир.

Иш столим устида Юртбошимизнинг "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" китоби. Ўқийман: " ...ёзувчи "Эй одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшаяпсан, инсон деган юксак номга муносиб бўлиш учун нима қиляпсан?" деган саволларни китобхон олдида, жамият олдида қатъий қилиб қўя олсагина, ўйлайманки, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини бажарган бўлади".

## ИЖОДИЙ БУРЧ!

Бунга олиб келадиган куч, даъват нима?

Юрак дарди ҳаммада бор. Орзу-армон, меҳр ва муҳаббат, тирикликка бўлган беҳад катта иштиёқ, яхши яшаш, фарзандлар камолини кўриш — барчамизнинг қалбимизни завқлантириб, озиқлантириб туради. Лекин буларни фақат ижодкорларгина юксак идрок билан ифода этишга қодирдирлар. Аммо муаллифнинг шахсий иқрорлари ва эътирофлари фақат унинг ўзиники эмас, балки у халқ мулкига айланади ва умумбашарият ҳаёти йўлида хизмат қилади.

Ҳамду сано ўз йўлига, мақтов ҳам бизга эш эмас, аммо тан олиш керакки, бугун юртимизда ижодкорлар учун янги-янги имкониятлар муҳайё этилмоқда ва ижодкорлар шунга яраша жавоб беришга интиляптилар. Устозлар, тенгдошлар янги-янги пишиқ асарлар ёзмоқдалар. Бугуннинг оламшумул янгиликлари, Ватан қиёфаси ана шу асарларда бўйбасти билан акс этади. Уларни келажак авлод ҳам катта қизиқиш билан ўқишларига ишонаман.

## ИККИНЧИ МАКТУБ

"Мен ҳар йили ҳудудларингни бир неча бор айланиб чиқаман. Фермерлар, ўқитувчилар, муҳандислар, темирйўлчилар, қурувчилар, болалар ва ўсмирлар билан суҳбатлашаман. Юртни ўйлаган зиёли, ишчи борки, бири икки бўлмоқда, ҳасратчининг эса косаси оқарган билан нафси тўйган эмас. Инсофга келиб қолсин, дейман шундайларни!

Мен билган сурхондарёлик фермер Носирхон ота бундан йигирма йил олдин лалмида боғ яратган эди, бу йил мамлакатнинг энг илғор фермери бўлди. Яна мен таниган Полвон отанинг набираси чемпионликни қўлга киритди, дўстимизнинг қизи Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлиб, бу йил институтга кирди, дўстим Абдували Қутбиддин давлат мукофотига сазовор бўлди...буларни кўриб қувонаман.

Қайси куни сира китоб ўқимайдиган танишим байрам билан табриклагач: "Менга китобингдан совға қилмадинг-ку!", дея гина қилиб қолди. Кўз-кўз қилиш учун жовонига қўйиса керак, деган фикрга борган эдим, "Болаларим ўқиб беради, қулоқ соламан,китоб мазза экан!", дейди содда тилда. Беғараз кулдим. Одамларнинг қарашлари, тафаккури ўзгарди. Бугун ўзбек ҳам: "Болам, илмли бўлсин, спортчи бўлсин, юртга олқиш олиб келсин!" дея жон куйдирмоқда. Гимнастикачи қизи муваффақиятидан мамнун онахоннинг кўзларидаги севинчни кўриб, беихтиёр шодланасиз. Бундан 25 йиллар бурун газета топшириғи билан гимнастикачи қиз ҳақида мақола тайёрлайман, деб роса овора бўлган ва мақсадимга эришолмай, афсусланган эдим. Ўзбек қизи, керак бўлса, рўзғорини ҳам, даласини ҳам, ўқишини ҳам, спортни ҳам эплайди. Кечагина телевизорда кўрдик: гимнаситикачи қизларимиз дунё чемпионлари билан бемалол беллашдилар. Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, деган гаплар менга ҳам ҳузур бағишлайди. Насиб бўлса, адабиётда ҳам кучимизни намойиш этамиз, албатта!

Яна нима деймиз!

Ўзбекистон — биз учун ягона Ватан! Бор бўлсин, омон бўлсин!

Минг йилдан кейинги авлодимиз ҳам шу гапларни такрорласин, дея яхши ният қиламан!"

**Тўлқин ҲАЙИТ,**
**Ўзбекистонда хизмат**
**кўрсатган маданият ходими**

# АДАБИЁТ МУАЛЛИМИ

## шоир бўлиши шартми?

Мулоҳаза

Муаллим барча жамиятда зиёлиларнинг зиёлиси ҳисобланган. Айниқса, тил ва адабиёт фани ўқитувчиси. Нафақат ўқувчилар, ҳатто ота-оналар ҳам уларга меҳр билан қарашади. Чунки муаллимлар мурожаат қилганларга маслаҳатни лўнда, тушунарли, таъсирли айта олишади. Аксарияти иқтидор эгаси. Тўй-маърака, тадбир, бошқа давраларда фикрини чиройли ибораларда ёки назмда ифодалаб, эътиборни тортадиганлар ҳам ўшалар.

Ўрта мактабдалигимизда Қаландар Абдуллаев деган ўқитувчи келгач, ёппасига ижодга берилиб кетдик. Туман, вилоят, ҳатто марказий газеталарга мақоласи чиқадиган ўқувчилар кўпайиб қолди. Ҳикоя, шеър ёзувчилар тўгаракка жалб этилди. Мактаб саҳнасида «Алишер Навоий», «Бой ила хизматчи» спектаклларидан парчалар қўйдик. Иншо ёзиш иштиёққа айланди.

Негаки, Қаландар муаллим адабиёт ва она тили дарсини шунчалик самимий, жонли ўтардики, вужудимиз қулоққа айланарди. Ўқиган ҳароратли мисралари, хиргойилари, монологлари, адабий таҳлиллари ҳалигача ёдимда. Ҳатто ўтиладиган дарсга олдиндан тайёргарлик кўриб келамиз. Бадиий китоб ўқиш учун кутубхонада навбатда турамиз. Муаллим иқтидорли болалар билан алоҳида ишларди. Камчиликни кўрсатиб, маслаҳат беришдан эринмасди. Фақат биз эмас, қишлоқдагилар ҳам Қаландар аканинг даврасига интиларди.

Бу шунчаки йўқлов эмас. Сизга айтмоқчи бўлганим — воқеа сабаб адабиёт муаллимининг жамиятдаги ўрни ҳақида мулоҳаза юритишга жазм этдим.

Яқинда адабиёт фани ўқитувчиси ҳузуримга 8-синф ўқувчисини бошлаб келди. Аввалига хурсанд бўлдим, негаки, ҳамма муаллимлар ҳам шогирдига бу қадар меҳрибонлик кўрсатавермайди.

— Шу шогирдимга худо берган. Анча-мунча шеърлар ёзиб қўйган. Бир суҳбатлашсангиз. Маслаҳат берсангиз.

Дафтарни варақлаб ўқисам, шеър дегани оддий, жўн, тағин ғиж-ғиж хато жумлалардан иборат. Ҳафсалам пир бўлди.

— Муаллима, бу ерга олиб келишдан олдин шогирдингиз шеърларини ўзингиз бир кўриб чиқмабсизда-а...

— Тўғриси, мен шоир эмасман. Шеъриятни унчалик яхши тушунмайман. Шу сабабли сизнинг олдингизга бошлаб келдим.

Очиғи, тилим тутилиб қолди. Асабим таранглашди. Бояқиш ўқувчига раҳмим келиб кетди.

«Мен шоир эмасман», эмиш! Шеъриятни тушунмаган одам нега адабиётдан сабоқ беради? Яхшиям ундан шоир чиқмапти. Ўз ўқувчисининг машқларини ақалли бир карра ўқимаган, ҳеч бўлмаганда мужмал жумлаларни (сатрларни эмас!) тўғрилашга кучи етмаган, шеърият қонунларини ўргатмаган муаллимга нима дейиш мумкин?!

Шу пайт Абдулла Қаҳҳорнинг «муаллим»ини эсладим. Устоз шу каби савияли ўқитувчига дуч келиб, юраги оғригандан ёзган ўша ҳажвиясини. Биламан, бу тоифа адабиёт ўқитувчилари илгари ҳам бўлган, ҳозирда ҳам бор, бундан кейин ҳам бўлади. Аммо бундайларнинг кам бўлгани маъқул.

Адабиёт фани фақат истеъдодларга мўлжалланган эмас. Уни ҳамма билиши, ўқиши керак. Чунки адабиёт ёшларга китоб мутолаа қилишни, фикрини изҳор этишни, кенг маънода одоб ва инсонийликни ўргатади. Адабиёт гўзалликка, сўз гўзаллигига олиб киради. Адабиёт яшашни ўргатади. Шеър ёдлаган кишининг давраси жўшқин, хотираси мустаҳкам бўлади.

Аммо Фитратнинг «Адабиёт қоидалари» китобини, Абдулла Авлоний асарларини ўқимаган, Алишер Навоий, Бобур, Ғафур Ғулом, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповдан ҳеч қурса биттадан шеър ёдламаган муаллим бировга нафосат бериш у ёқда турсин, унинг ўзи бундан бебаҳра қолади. Минг афсуски, бу бор гап.

— Ўқитувчилар малакасини ошириш институтида дарс чоғида 5-6 йилдан буён янги асар ўқимаган адабиёт муаллимларига ҳам дуч келдим, — дейди Йўлдош Суюнов. – Аксарияти бунинг учун вақти йўқлигини, кутубхонага янги китоблар кам келишини рўкач қилишади. Биламан, бу баҳона, холос. Аслида бундайларда иштиёқ йўқ. Талабалигида ҳам китоб ўқишмаган.

— Коллежларнинг адабиёт фани ўқитувчилари сиртқи бўлимимизда ўқишади, — дейди СамДУ доценти Абдувоҳид Худойбердиев. – Кўпчилиги мумтоз адабиётдан намуна айтиб бера олишмайди. Шеърият қонун-қоидаларини ўқитишга тўғри келади.

Мен эса қаршимда карахт бўлиб турган муаллимадан шогирди олдида сўрайман:

— «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, «Жаҳон адабиёти», «Шарқ юлдузи», «Ёшлик» журналларини ўқийсизми?

— Бу нашрлар бизга келмайди. «7x7», «Даракчи», «Бекажон», «Булбулча», «Маҳорат»да чиққан шеърларни ўқиб тураман. «Зарафшон» ҳам келади. Лекин директорнинг хонасида туради. Бир-икки ойдан кейин кутубхонада тахламга тикиб қўйишади. Дарс пайти ўқишга вақт йўқ. Дарсдан кейин кутубхона ёпиқ бўлади.

Мана сизга жавобу, мана сизга ҳолат! Иқтидорли бола айрим ҳолларда ана шундай қарашдаги муаллимдан «илм ўрганишга» мажбур.



Чунки у адабиёт ўқитувчиси!

Боя бунақа меҳрибон ўқитувчилар кам, деган гапни айтгандим. Биласизми, бошқа бирлари қанақа йўл тутишади (очиғи, буни ўқувчиларнинг ўзи айтиб беришади)? Машқларини кўрсатган болага «О, зўр, чиқибди, буни тезда газетага юбор, отангга айт, китобингни чиқариб берсин», дейишади.

Менимча, у ё оддий машқларни ҳам таҳрир қила олмайди ёки шогирдидан осон йўл билан қутулмоқчи. Шўринг қурғур ота-она эса фарзандининг 5-6 та чала машқини газетага чиқараман, китобга киритаман, дея таҳририят, нашриёт остоналарида овораю сарсон. Боласининг «иқтидорли шоир» эканига ишонади, чунки муаллим шунақа деган.

Яқинда Пахтачидан бир аёл қизини етаклаб келди. Бор-йўғи 10 та машқи бор. Ўзича китоб чиқармоқчи. Шунча йўлдан овора бўлиб келганини ҳисобга олиб, озроқ суҳбатлашдим. Шеърият, адабиёт ҳақида тушунча бердим. Қиз бола ҳали дурустроқ бадиий китоб ҳам ўқимаган. Аёлга ўқувчи фарзанди ёзги таътилда ўқиши зарур асарлар рўйхатини ёзиб бердим. Китобни қачон, қандай ўқиш, фикрини қандай ёзиб бориш режасини тузиб бердим.

— Мана бу тавсияларни адабиёт фани муаллимига кўрсатинг. Бажарилишини назорат қилсин. Чунки китоб ўқимаган киши китоб ёзолмайди. Илмсиз шеърият йўқ, опа!

— Илтимос, яхшиси, ўзингиз сўраб туринг, биз келиб-кетишдан эринмаймиз. Адабиёт муаллими бунақа нарсаларга қизиқмайди. Доим «каттароқ шоирга кўрсатинглар» дейди.

Йўқ-йўқ, ҳурматли муштарий, бу фикрларимни асло қилдан қийиқ ахтаришга йўйманг. Аслида иқтидорларни қўллаётган, дарсларни самимий ижодий гурунгга айлантира оладиган фидойи муаллимларга қуллуқ қиламан! Шукурки, бундай фидойи инсонлар бисёр. Пахтачида Қаҳрамон Норбоев, Ургутда Худойберди Комилов, Тайлоқда Абдулла Нисорий, Нурободда Солижон Худоёров, Оқдарёда Анвар Абдураҳмонов, Қўшработда Шодиёр Тўраев каби муаллимлар юзлаб иқтидорларни тарбиялашмоқда. Лекин камина ўзим дуч келган ва дилимни оғритган ҳолатларни ёздим, холос. Токи бу воқеалардан барча адабиёт ўқитувчилари хулоса чиқарсин.

**Фармон ТОШЕВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар**
**уюшмаси аъзоси**

# ДУНЁДАГИ ЭНГ ГЎЗАЛ АСАР

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ватан учун яшайлик!

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади, юртда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Миллий қадриятларимизнинг илдизи оила билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, инсон ҳаётининг маъно-моҳияти оилада.

Катта отам Тошкентга фарзандларини кўргани келса, узоғи билан бир ҳафта турарди. Кўп ҳолларда уч кун ўтмасдан қишлоққа қайтишга чоғланарди. Шунда амакиларим яна бир-икки кун қолинг, деб ҳарчанд мулозамат қилмасин, унамайди. Дастурхон устида ҳам қишлоқни, уйни ўзгача интиқлик билан эсга олар, «Мол-ҳолга қараш керак, экин-тикин нима бўлди экан», деб хавотирланаверарди. Амакиларим «Мол-ҳолга, экинга қарайдиган ўғлингиз бор, сиз энди, соғлиғингизни ўйланг, мазза қилиб шаҳар айланинг, нима керак бўлса, ҳаммасини муҳайё қиламиз ота» деса, «Ўғлим, мана Худога шукур, сизларни кўрдим, таниш-билишларим билан дийдорлашдим, мен қишлоққа қайтмасам бўлмайди энди, кичкина неварам кўз олдимдан ўтаяпти», дерди.

Катта отам учун энг улуғ ҳаловат оиласида эди, неваралари энг катта қувончи эди, рўзғор, сигир-бузоқ, қўй-қўзи, экин-тикин эса энг яхши эрмаги бўларди. Фақат шу туғилиб ўсган қишлоғида, уйидагина ўзини хотиржам ҳис қиларди. Ката отамга дунёнинг манаман деган шаҳарларидан ўзининг мўъжаз қишлоғи аъло эди.

Яқинда ҳамкасбим Содиқ Норбоев билан Самарқанддан Тошкентга келаётиб Чинозга етганимизда ҳазиломуз оҳангда, «Қадимда ота-боболаримиз шу Чиноз ёки Янгийўл ҳудудларига жойлашиб яшаганларида пойтахтга яқин бўлармидик? Ҳозиргидек уйга борамиз деб, неча юз чақирим йўл босиб юрмасмидик», дедим.

Шунда у бироз ўйланиб туриб, ўтган асрнинг бошларида ота-боболарини Деҳқонобод туманидан Янгийўлга туташ Оққўрғон қишлоғига кўчириб келишганини, улар маълум муддат яшагач, «туғилган тупроқни, униб-ўсган юртни ташлаб келиш гуноҳ», деб эшак-от, пою пиёда туғилиб ўсган қишлоқларига қайтиб кетишганини айтиб қолди.

Шундан ҳам билса бўладики, киндик қони тўкилган жой, Ватан тушунчаси аждодларимиз учун доимо муқаддас саналган. «Ватандин яхши ёр ўлмас» деган фикрларни ҳам аждодларимиз бежиз айтишмаган.

Ҳозирда Ойбек уй-музейида 1944 йилда нашр этилган "Навоий" романининг илк нусхаларидан бири сақланади. Унинг варақланавериб титилиб кетган саҳифалари эҳтиёткорлик билан тахланиб, қайта тикилган. Айтишларича, китобни қатағонга учраган киши олиб келиб топширган. Ўша олис Сибир тайгаларида ўлим билан олишиб юрган ватандошларимизнинг жон сақлашларига «Навоий» романи кўмак берган экан. Нозирлар нигоҳидан асраш учун маҳбуслар ҳар куни китоб саҳифаларини ажратиб олиб, ёнларида сақлар ва кечқурун йиғилганларида саҳифаларни жамлаб, тахлаб, яна қайтадан мутолаага берилар эканлар. Демак, шу асардан Ватан тафтини, юрт меҳрини туйиб, ҳис этиб яшаганлар. Ватан соғинчи китоб саҳифаларини ардоқлашга ундаган.

Не бахтки, мустақиллик шарофати билан бугун Ватанни куйлаш, уни мадҳ этиш муқаддас бурчга айланди.

Фахр билан айтиш ўринлики, олижаноблик, самимийлик, бунёдкорлик, меҳр-оқибат халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Бу хислатлар асрлар оша элни-элга, дилни-дилга боғлаб келмоқда. Бугунги кунда юртимизга ташриф буюрган меҳмонлар дейсизми, сайёҳлар дейсизми — барчаси она заминимиз саховати, миллий қадриятларимиз, ўзига хос фазилатларимиз хусусида ҳайратланиб гапиришади. Ўзбекистон замини, она тупроғимиз ҳар биримиз учун азиз ва муқаддас! Бу қадимий юртни муаррихлар «Афсонавий гўзал ўлка», деб бежиз таърифламаганлар.

Энди, мақоламизнинг аввалидаги ҳикояга қайтсак. Унинг моҳиятида катта ҳаёт ҳақиқати ифода этилган. Зеро, оила муқаддас, оила — Ватан тимсолидир. Ватан эса инсон учун ҳаёт меҳвари.

Агар мен ҳам рассом бўлганимда, бир кун келиб дунёдаги энг гўзал асарни яратиш нияти туғилганида ўша мусаввирнинг ғоясини инкор этмаган ҳолда, дунёдаги энг гўзал туйғулар мужассам этилган шундай асар яратар эдимки, унга «Менинг Ватаним» дея ном берардим.

**Нурали ШОДИЕВ**

# “УЛ ҚУЁШ ОҚ УЙДАЮ МЕН...”

Алишер Навоий — 570

Алишер Навоийнинг илм-фан, адабиёт, санъат, маданият гуллаб-яшнаган шаҳар муҳитида яшаб, ижод этгани ҳаммага маълум. Ўн бешинчи асрдаги қадим Ҳирот қурилиш ва маъмурликда, ободлик ва кўркамликда Навоийнинг илҳомига илҳом қўшадиган даражада гўзал бир шаҳар эди. Навоий шу шаҳарда истиқомат қилиб, кўп бора хаёлан мозийга саёҳат айлаб, чексиз-чегарасиз дашт ва саҳроларда кун кечирган қадим туркий қавм ва элатларнинг ҳаёт тарзи, маданияти, давлатчилик тажрибалари каби масалаларни ҳам мушоҳададан ўтказган.

Туркий халқларнинг олис тарихига назар ташланса, наинки ахлоқ, урф-одат, маданият, балки давлат қурилиши ва сиёсатда ҳам улар ўзига хос ибратли натижаларга эришгани тўла равшанлашади. Ҳатто ўтмишга мансуб бадиий ижод намуналари кўздан кечирилганда ҳам ўша тарихдан хабар берувчи сўз, атама, белги ва ишоратларга тез-тез дуч келасиз. Алишер Навоийнинг адабий мероси шу жиҳатдан ҳам тенгсиз бир хазина ёки улкан бир қомус деса, ҳеч муболаға бўлмайди.

Мана, уйсозлик маданиятини олайлик. Туркий уруғлар узоқ замонларда асосан ўтов, чодир, олачуқ деб номланган ва кўчиб яшаш талабларига тўлатўкис жавоб берадиган уйларда яшашган. Бу уйлар фақат ташқи кўриниши, ўзига хосликлари билан эмас, дид, маданият, ҳунармандлик нуқтаи назаридан ҳам бошқа халқларнинг диққат-эътиборини жалб эта билган. Улкан қадимшунос олим Баҳоуддин Ўгалга кўра, энг эски Чин манбаларидан бирида хитойлик бир шаҳзоданинг туркийларга мансуб “қирмизи юнг газмоллар билан бурканган қуббали чодир” таърифланган шеъри сақланиб қолган экан. Туркий ҳукмдорлардан баъзилари умрининг кўп қисмини чодирларда ўтказгани ҳақида ҳам маълумотлар сақланиб қолган. Шулардан бири Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди бўлган. “Ҳодисаларнинг завқи ила Жалолиддин тўхтовсиз ҳаракат ҳолида яшарди. Шунинг учун унинг ҳаёти саройга қараганда кўпроқ чодирда ўтган эди”, дейилади бир китобда (Тонари О. Хоразмшоҳлар. Анқара, 1993, 120-бет). Шу чодирларда “хони хос” дейилган катта зиёфат йиғинлари ва ҳар турли мажлислар ўтказилган.

Улкан туркиётчи Л.Н.Гумилёв “Қадимги турклар” китобида Хитойнинг мумтоз шоири Бо Цзюйи ёзган “Мовий ўтов” номли шеърни келтиради. Унда ўқиймиз:

**Йиғмишлар минглаб қўйдан жун,**
**Юзлаб урчуқлар қилибди бутун...**

Олимнинг таъкидлашича, “Хитой шоири тасвирлаган ўтов, бу — ўртача таъминланган кўчманчининг яшаш жойидир”. “Ипак қопламаларга бурканган”, “олтин тусли ва зар суви югуртирилган” ўтовлар бошқа. Шунингдек, олим ўтовнинг “мовий” дейилишини бу ранг туркийларнинг рамзи эканлигини таъкидлаш, деб тахмин қилади. Ўша шеърнинг қуйидаги мисралари ўқилса, ўтов хусусидаги тасаввур етарли даражада равшанлашади, деб ўйлаймиз:

**Кунчиқарнинг мовий осмони остида,**
**Йигит ўтов тикди қирчин майса устида...**
**Қуюн ҳам бузолмас ўтов пинагин,**
**Йўқдир унда на токча, на бурчак.**
**Ичи иссиғу, ором олар юрак...**
**Совуқда қалқон кигиз — девор,**
**Бўрон ҳам тўпиққа келмас,**
**Бунда бахши бир четда ўтирар,**
**Бунда оловда ўйинчи ўйнар...**
**Ўтовга ҳасад қилур роҳиб ҳам,**
**Қарзга ботган оддий соҳиб ҳам.**

“Қўрқут ота китоби”да баён этилишича, хонлар хони Бойинтирхон ҳар йили бир бора катта тўй қилиб, Ўғуз бекларига зиёфат берар экан. Тўйдан аввал у бир ерда қора, бир томонда оқ, яна бир ёқда қизил ўтову чодирлар тиклатиб, ўғли борларни оқ уйга, қизи борларни қизил уйга, фарзандсизларни қора уйга киритиб, дастурхон ёздирар экан. Вақт ўтиши билан бошқа халқлар сингари туркий қавмларнинг ҳам рангларга муносабати ўзгариб, у ёки бу ранг учун белгиланган маъно-мазмунларда ҳам янгиланишлар юзага келган. Аммо бунақа ўзгариш ва янгиланиш оқ ранг учун деярли бўлмаган. Бир замонлар ўзга қавм ва уруғлари устидан ҳукмронликка эришган элга туркийлар оқ ва оқсуяклар, дейишган. Зеро, оқ калимаси ҳурлик, мустақиллик ва ҳокимликни тамсил айлаган. “Оқ ўрда” дейилганда хон, подшоҳ саройи, яъни давлат маркази тушунилган. “Оқ уй”нинг маъно-мазмуни эса анча кенг ва хилма-хилдир.

“Эски туркларда бир йигит уйланганда, — дейди Зиё Кўкалп, — ўзининг уйига келинни олиб келмаганидек, қайнатасиникига ҳам у бормасди. Зеро, ичкуёвлик бўлмаганидек, ичкелинлик ҳам йўқ эди. Йигит отасининг мол-мулкидан ўзига тегишли улушини, қиз эса оиласидан унга ажратилган бисотни олиб, ана ундан кейин бир уй қурилган. Мана шу янги уйга оқ уй, дейилган”(Зиё Кўкалп. Турк маданияти тарихи. Истанбул, 2008, 300-бет).

Хон, бек, ҳар турли мансаб соҳиблари, бой-бадавлат кимсалар кун ўтказадиган даргоҳлар ҳам оқ уйлар бўлган. Улар ўзининг кўрки, маҳобати ва яшашга жуда ўнғайлиги билан ажралиб тургани учун бўлса керакки, Алишер Навоий оқ уй ҳақида қайта-қайта тўхталиб, ҳам шеърий, ҳам насрий асарларида ҳар турли фикрларини баён қилади. Шоир “Фавоид улкибар” девонидаги бир ғазалида (595-ғазал) қиш фаслидан сўз юритиб:

**Бу фасл аро хуш эрур оқ уй ичра бода ўти,**
**Бу ўт ёруға муғанний оғзиға олмоқ най —**

дейди. Демак, совуқ қиш кунларида оқ уйда ўтириш вужудга қанча роҳат ва ҳузур бағишласа, унда ўтказилган йиғин ва гурунгларда ичилган май, тингланган куй-қўшиқлардан дил янада ортиқроқ шавқланади.

“Муншаот”даги мактублардан бирида битилган қуйидаги мулоҳазалар оқ уй наинки қувонч ва шодлик фурсатларида, балки ғам-андуҳли дамларда ҳам инсонга бир тасалли, тамкинлик берадиган маскан бўлганлигини хаёлдан ўтказишга ундайди: “Ул қатор теваким, ҳижрон кунида ашким қаторидан намуна бўлғай ва ул оқ уйким, фироқ айёмида сиришким селоблари ҳубобидин нишона бўла олғай етти. Ул бири раҳмат малойикидин ашраф (раҳмат фаришталарига қарганда ҳам шарофатли), бу бири саодат сипеҳридин арфаъ (яъни оқ ўтов саодат осмонидан ҳам кўра юксак) кўринди.

**То фалак бухтилари тузгай қатор,**
**То тўлин ой оқ уй эттай ошкор.**

**Сарбонингға ул ўлсин боркаш,**
**Бу бири фирошингта хиргоҳваш”.**

Навоий оқ уйни халқ яратувчанлик маданияти ва санъатининг ўзига хос намунаси ўлароқ қабул қилмаганида, “Муҳокамат ул-луғатайн” китобида, эҳтимолки, мана бундай деб ёзмасди: “Бир мутааййин нимаким оқ уйдур, анга хиргоҳ от қўйуптурлар. Аммо ани ажзосини кўпини турк тили билан айтурлар. Андоқки, тунглук ва узук ва тўвурлуғ ва басруғ ва чиғ ва қаноат ва кўзанак ва уғ ва боғиш ва бўсаға ва эркина ва ало ҳазал-қиёс”.

Филология фанлари доктори, тилшунос Э.Умаров ушбу сўзларга асосланиб, “биринчидан, Навоий оқ уй ва унинг қисмларини яхши билибгина қолмай, унда яшаган”, иккинчидан, “уни қуриш ва тиклаш” ишларида бевосита иштирок этган, дея тахмин қилади (Умаров Э. Алишер Навоий асарларида “оқ уй” атамаси. – Ўзбек тили ва адабиёти, 2005, 1-сон, 31 — 32-бетлар).

Шоир хотирасида оқ уй – ишқ-муҳаббат уйи, малаксиймо маъшуқа яшайдиган бир бекиёс даргоҳ мақомига кўтарилгани шубҳасиздирки, бунинг нодир далили “Наводир уш-шабоб”даги бир ғазалдир. У шундай сўзлар билан бошланади:

**Ул қуёш оқ уйдаю мен музтарибман ҳар қачон,**
**Ўйлаким, фонусдин парвона қолғай ташқари.**

“Ул қуёш” — ҳусни малоҳатда тенгсиз ёр. Оқ уй атрофида изтироб туфайли чарх уриб айланаётган кимса – жафокаш ошиқ. Унинг ҳоли ичкари киролмай ташқарида, яъни фонусдан узоқда қолган парвонага ўхшайди. Айнан парвона бунда бежиз тилга олинаётгани йўқ. Чунки нур ва оловга ошиқ парвона ўзини ўтга уриб, кулга айланганидек, шўрлик ошиқ ҳам оқ уй ичида бепарво ўтирган дилбарга жонини қурбон этмоқчи:

**Садқаси бўлмоқ эрур мақсуд мен саргаштаға,**
**Оқ уйи давриға буким айланурмен ҳар сари.**

Оқ уй атрофида айланавершидан ҳеч натижа чиқмайди. Унга кириш имконини ўйлаш керак. Аммо имкон йўқ. Ҳатто оқ уйнинг туйнуги ҳам тувурлуғ – кигиз парда билан ёпилган. Фақат “сабо фарроши”гина уни очиши мумкин:

**Ичкари ул гул тувурлуғни кўтармаслар, нетай,**
**Эй сабо фарроши, бир лутф айлабон ул ён дари.**

Ошиқнинг қаноати бўйича, “тувурлуғ” кўтарилса, “чиғ”дан ўзни ичкари олиш осонлашади:

**Парда кетгач, мен заифи зорға осон эрур,**
**Йўлларидан чиғнинг солмоқ ўзумни ичкари.**

Шам ёнганда хонадаги барча нарса равшан кўрингани сингари хиргоҳ ҳам ёр жамолининг нуридан мунаввардир. Ана шу “маҳи хиргаҳнишин” муҳофазаси учун қараганинг орасидан кўзанаклар (тешиклар) эмас, балки ошиқнинг кўзлари термулиб турибди:

**Эй Навоий, ул маҳи хиргаҳнишин ҳифзи учун,**
**Кўзанак эрмаски, ҳар сари тикилмиш кўзлари.**

Ўзга бир ғазалда эса ёрнинг ажиб киприкларидан кўнгулда оқ уй бино қилиш орзуси таъкидланган:

**Кўнгулда уғларидан оқ уй айласам, не ажаб,**
**Ки кўнглум ичра ватан қилди моҳи хиргоҳи.**

У ёки бу воқеа-ҳодиса тасвирланганда, бир кун улар кўпроқ тарихий хотира “мулки” сифатида эсланишини ҳеч бир шоир ё ёзувчи ўйлаб ўтирмайди. Бироқ вақт замонга таъсири ва ҳукмини ўтказганидек, давр ва замон ҳам мозий сарҳадларидан ортда қолган нарсаларни олдинга қараб судрамайди. Бевосита, инсон ва миллат қисматига боғлиқ тарих эса, қай бир даражада бўлмасин, авлодларда қизиқиш уйғотади. Акс ҳолда ўтмиш билан келажак, аждодлар билан авлодлар орасидаги ахлоқий, маданий, маънавий алоқаларда узвийлик, вобасталик бўлмас, ҳар авлод ўзи билганича яшаб, боши адашиш ва таназзулдан чиқмасди.

“Энг қадим даврлардан, яъни инсон фарзанди озиқ-овқатини таъминлаш учун заминга боғлангандан буён кўчманчилик ва ўтроқлашув ўзаро юзлашиб келган. Кўп нарса уларни ўзаро ажратиб, бир-бирларини камситишга ҳам сабаб бўлган” (Жан-Паул Роукс. Ўрта Осиё: тарих ва маданият. Истанбул, 2006, 37-бет). Туркийларнинг ўтроқлашган ва шаҳар маданиятига ўтишлари осон кечмаган. Лекин уларнинг кўчманчилик даврларидаги маданий ҳаётларида ҳавас қилса арзигулик, эсласа кўз-кўз қилгулик нарсалари ҳам кам бўлмаган. Навоий таърифлаб, тасвирларини чизган оқ уй худди шулардан биттаси эди. Эҳтимол, шу боисдан ҳам ўтов, чодир, хиргоҳ аталмиш ўша уйларнинг умри жуда узоққа чўзилгандир.

**Иброҳим ҲАҚҚУЛ,**
**филология фанлари доктори**

# КУРАШЧАН ШЕЪРИЯТ

Бу ёруғ дунёга шоир зоти шунчаки келиб кетмайди, кўнгилларга бир ҳовуч нур сочиш учунгина ашъор битмайди. Александр Блок таъбирича, шоирлик – ўзгармас буюклик. Шоир миллат овозини узоқ-узоқларга етказувчи шахс сифатида жамиятда юксак мақомга эга. Инчунун, шоир зиммасига юкланган масъулият ҳам катта.

XX аср ўзбек шеърияти истибдодга қарши курашиш баробарида янгидан-янги номларни кашф этди. Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Рауф Парфи сингари оташнафас шоирлар адабиётимиз солномасида ёруғ из қолдиришди. Шавкат Раҳмон (1950 — 1996) шу сўз усталарининг чин маънодаги давомчиси эди. У, айниқса, 80-йиллардан эътиборан Ватан, халқ, жасорат ва курашчанлик руҳи билан суғорилган шеърлар бита бошлади, шеъриятни кураш воситаси, деб билди.

Шавкат Раҳмон 46 йил умр кўрди, аммо шу умри давомида кўп иш қилиб улгурди, жумладан, “Сайланма”сини нашрга ҳозирлашни ҳам уддалади. Бу китоб шоир вафотидан бир йил кейин – 1997 йили “Шарқ” нашриётида чоп этилди.

“Сайланма”нинг илк саҳифасидаги шеърда шоир умр мазмуни ҳақида фикр юритаркан, вақт тимсоли саналмиш дарёга мурожаат этади:

**Умринг узоқ бўлсин,**
**эй дарёжоним,**
**кечалар қаърида бир гул йиғлади,**
**юзимга сачради бир булбул қони,**
**кўнглимга бу дунё**
**нечук сиғмади?**

Шоир битикларини ўқирканиз, бу саволга жавоб топасиз: тутқунлик шароитида булбул бор овози ила куйлай билмайди. Шеърдаги оҳанг маҳзунлиги айнан тутқунлик билан изоҳланади. Дарҳақиқат, профессор Озод Шарафиддинов шоирлик масъулияти борасида шундай деб ёзган эди: “Шоир ўзига хос ички нигоҳга эга бўлиши, сўз сирларини пухта эгаллаган бўлиши ҳам мумкин. Бироқ буларнинг ўзи ҳали ижод учун кифоя эмас. Яна бир муҳим масала борки, бу – эътиқод масаласидир. Қадим-қадимлардан бери шоир ҳақиқат ва адолат бобида сабоқ берувчи устоз, яхшилик ва олижаноблик йўлларида раҳнамо, ёвузликка, эрксизликка, ҳар қандай жаҳолат ва қабоҳатга оташин нафрат уйғотувчи мураббий, деб ҳисоблаб келинган. Биз Алишер Навоийни шунчаки “Алишер Навоий” деб эмас, “Ҳазрат Навоий”, деб атаймиз. Пушкин ҳам, Лермонтов ҳам шоирларни пайғамбарга қиёс қилишган. Бироқ шоир ана шу улуғ ва масъулиятли мартабага сазовор бўлмоғи учун унинг эътиқоди мустаҳкам, виждони ҳамиша уйғоқ бўлиши керак”. Демак, шоир – бошқаларга ўхшаган оддий одам эмас, у иймон-эътиқоди, сўз сеҳри билан жамиятда ўзгариш ясаш, адолат барқарорлиги жабҳасида жон фидо этиш салоҳиятига эга шахс.

XX аср ўзбек адабиёти

1985 йили собиқ иттифоқ ҳудудида “қайта қуриш” ва “ошкоралик” сингари атамалар урф бўлди. Шавкат Раҳмон “Қасам” шеърида ўша даврнинг умумий кайфиятини ифодалаган эди. Шоир бешта сўзни алоҳида ажратиб таърифлайди. Бу сўзлар: Ватан, Халқ, Жасорат, Кураш, Озодлик. “Ҳар бир сўз етажак юзта умримга, ҳар бири бахш этар руҳимга шодлик”, деб ёзади шоир. Ҳатто у “заҳар”ни мард дейди, шакаргуфторлик ўзига бегоналигини дангал айтади:

**Аслида атиргул бўйин тараттан**
**бу ўйноқи сўзлар меникимасдир.**
**Менга нондай зарур,**
**қиличдай кескир,**
**заҳардай мард сўзлар бўлсаёқ басдир.**

Бундай кескинликнинг ўша даврда ўзига хос сабаблари бор эди, албатта. 80-йилларда шўро тузуми бир қадар ён берган, аммо компирқа мафкурасини, “инқилоб доҳийси”ни қўллайдиган шоиру ёзувчиларни бағридан чиқармаслик тараддудига тушган эди. Уларга моддий ва маънавий тортиқлар, унвону, турли-туман мукофотлар бериларди. Шу тариқа уларнинг онгида социалистик тузум афзалликлари хусусидаги сезимлар ушлаб туриларди. Ҳатто 1987 йилдаги бир баёзда ҳам Ленин ҳақида илиқ шеърлар босилгани сўзимизга далил бўла олади. Аммо, шунга қарамай, бир гуруҳ шоирлар миллатнинг шоншавкатга тўла қадим тарихини эслатувчи жанговар шеърлар ёздилар. Бундай шеърлар зиёлиларга кучли таъсир ўтказди:

**Юртимни кезаман,**
**энди ҳар нарса —**
**эгилган нарсалар тегар ғашимга.**
**Энди ишлаш керак бу кенгликларда,**
**токим сўйламасин ёлғонни ҳеч ким,**
**токим буюк тоғлар салтанатида**
**эгилган бошларни**
**қиличлар кессин.**

Ш.Раҳмоннинг “Қасам” шеъри мазмунан Чўлпон битикларини ёдга солади. Шоир истиқлолга интилиб ёзган асарларида, аввало, шон-шавкатга тўла темурийлар замонини ёдга олади; сўнг эса темурийзодалар (“Шоҳрух мирзо суҳбати”, “Бобурийлар” ва бошқа шеърлари) изтиробларини тасвирлайди. Шу аснода миллат раҳнамоларини ёзғиради: она табиатдан имдод сўрайди, юрт озодлиги учун ҳеч нима қилолмадим, яшаб кўнглим тўлмади қабилидаги ўй-хаёлларга берилади. Худди умри поёнига етаётгандек маҳзун мисралар битади:

**Мендан нима қолур,**
**абадий нурлар**
**барқ уриб яшнаган дунё томонда?**
**Уриниб-суриниб, сира тўлмаган**
**бир кўнгил қолади**
**қолса ҳам мендан.**

Шарқ шеъриятида, жумладан, ўзбек мумтоз шеъриятида ҳам маҳзун руҳ тасвирига кўп дуч келамиз. Шоирлар дунёнинг бевафолигидан ранжийди, меҳр кўргизиб, меҳрибон топа олмаганидан ўкинчларини яширмайди. Лекин бу ўкинчлар тузумга эмас, балки инсон руҳиятидаги зиддиятларга боғлаб талқин этилади. Шавкат Раҳмон талқини ўзгача. Унингча, барча қабиҳликларга мустамлакачилик тузуми айбдор. Мурасасозлик жамики қабиҳликларнинг дояси:



СУРАТДА:(чапдан) Ҳ.Олимжонова, Ш.Раҳмон ва С.Маҳкамов.

**Муроса, мадора ташвишлари-ла**
**кўз очиб, юмгунча ўтади фурсат.**
**Ажабланиб юрманг, бошарангизга**
**эртага биронта бола тупурса.**

Шоир муросасоз одамни ёмон кўради. Хўш, унинг айби нимада эди? Шоир масалага қуйидагича аниқлик киритади:

**Чунки сиз —**
**ўсишдан тўхтаган одам,**
**дидини оламга мослаган кимса,**
**келажак ташвиши бир ёқда қолиб,**
**ўзининг ташвишин ростлаган кимса.**

Ўша кимса “умум бахтидан сафсата сотиб чўнтак қаппайтириб яшайди”. Яъни миллатни алдаб, ҳукмрон доиралардан тортиқ олади. Бу гуноҳи учун кимса жазога мустаҳиқ. Келажак эгаси бўлмиш болалар кимсанинг юзига тупуриши мумкин. Акс ҳолда:

**Шундоқ қилмасалар агарда улар,**
**билингки,**
**орқалаб ўз юкларини —**
**Ё сизга эргашган ва ёки сиздан**
**қизғанган ҳаттоки тупукларини.**

...Дўст-ёрлари, қариндошларининг хотирлашларича, Истиқлол байрами арафасида Президентимиз фармонига биноан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони билан тақдирланганида Шавкат Раҳмон беҳад хурсанд бўлган. Оғир хасталикка чалинган шоирнинг дарди шу куни бироз енгиллашганини тасаввур қилиш мумкин. Зотан, унинг хизматлари юксак даражада эътироф этилган эди. Дарҳақиқат, шоир ўз шеърлари билан миллий маданиятимиз юксалишига муносиб улуш қўшди.

Вафотидан сўнг Шавкат Раҳмон шеърлари “XX аср ўзбек шеърияти антологияси”га киритилди, бир шеъри инглиз тилидаги баёзда ҳам босилиб чиқди. Бу баёз 2004 йилда “Янги аср авлоди” нашриётида эълон этилиб, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларига тарқатилган. Умуман, шоирнинг адабий меросига шеърият ихлосмандлари, мунаққидлар, адабиётшунос олимлар кўп бора мурожаат этишган. Адабий алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётган бугунги даврда Шавкат Раҳмон шеърлари хорижий тилларга кўплаб таржима қилинса, тарғибташвиқ этилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. У Лорка назмидан таъсирланиб, европача усулларда ҳам шеърлар битган. Аксар шеърлари умумбашарий мавзуларга бағишланган. Алалхусус, шоир иккинчи умрини китоблари воситасида яшамоқда.

**Нилуфар МИРЗАЕВА,**
**Тошкент давлат техника университети тадқиқотчиси**

# УСТОЗ ИБРАТИ

Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар ҳақида ёзишни кўнглингга тугсанг-да, чўчиб турасан: ёши, салобати, босиб ўтган умр йўллари ўйлантиради, ҳайратланасан, арзирли даражада ёза олармикинман, деган андишага борасан. Устоз Шукрулло ҳақида мақола ёзишни ният қилганимда ҳам, гарчи мўътабар ёшни қоралаган адибнинг асарларини ўқиган, суҳбатларида бўлган, Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Миртемир сингари атоқли ёзувчилар ҳақида ҳикояларини эшитган, инсонийлик, яхшилик ҳақидаги ибратомуз насиҳатларини тинглаган бўлсам ҳам, мени шундай ҳислар тарк этмасди.

Бир учрашганимда Шукрулло ака суҳбатдан сўнг ўша пайтда чоп этилган “Умрбоқийлик” номли китобни бердилар. Тўпламда Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев, Чингиз Айтматов, Мустай Карим, Давид Қуғултинов, Римма Казакова сингари ёзувчи, шоирлар, замондош ижодкор ва олимларнинг Шукрулло ижоди, шахси ҳақидаги илиқ фикр-мулоҳазалари жамланган. Чиндан ҳам бу куюнчак инсон асарлари тилининг равонлиги, таъсирчанлиги боис, Ғафур Ғулом таърифлаганидай, “йирик лирик шоир сифатида” ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидаёқ элга танилиб улгурганди.

## Икки оғиз дил сўзи

Шукрулло ака сермаҳсул ижодкор. У киши неча ўн йиллардан бери нафақат шеърлар, балки поэмалар, драматик, публицистик, насрий асарлар, сценарийлар, мақолалар ҳам ёзиб келади. Адибнинг “Танланган асарлар”идан йирик насрий асарлари — “Кафансиз кўмилганлар”, “Тирик руҳлар”, “Жавоҳирот сандиғи”, “Оғир кунлар севинчи” номли роман, қиссалари ҳам ўрин олган. Мен бу асарларнинг баъзисини қўлёзма, баъзисини журнал вариантида ўқигандим. Кейинчалик уларни тўпламда қайта мутолаа қилдим. Бу асарлар адабий жамоатчилик томонидан аллақачон эътироф этилгани, китобхонларда жуда катта қизиқиш уйғотгани, хорижий тилларга таржима қилиниб, чоп этилгани сир эмас.

“Кафансиз кўмилганлар”да муаллиф ўтган асрнинг эллигинчи йиллари бошида “халқ душмани” сифатида ноҳақдан қамалиб, совуқ ўлкаларга, маҳбуслар лагерига сургун қилиниши воқеаларини қаламга олади. Асар ниҳоятда шоирона дард билан ёзилган. Муаллиф мустабид тузум даври фожеасини замондошларига ва келажак авлодларга имкон қадар ҳаққоний кўрсатишни ният қилган ва ўз мақсадига эришган.

Тўғри, бу мавзуда кўплаб асарлар битилган. Хусусан, рус ёзувчиси А.Солженицыннинг “Гулаг Архипелаги” (“Қамоқхоналар салтанати”) асари ҳам айни шу мавзуда. Аммо Шукрулло бу машҳур адибдан фарқли ўлароқ, ўз асарини шарқона мунгли оҳангда, таъбир жоиз бўлса, Шарқ мумтоз адабиёти анъаналари руҳини сингдирган ҳолда ўқувчиси ҳукмига ҳавола этганки, бу асарнинг нафақат бадиий қимматини, балки руҳий-ҳиссий таъсир даражасини ҳам оширган. Зотан, ҳаққоний ёзилган китоблар барча замонларда ўқувчисини топади, кўпчилик эътиборидан четда қолмайди.

Бир куни устоз уйга қўнғироқ қилиб, бир роман ёзганини айтди. “Ўзбеклардан Лев Толстойга хат ёзган Убайдулла Хўжаев — истиқлол учун курашган адвокат зиёли ҳақида. Ўқиб, фикрингни айтсанг”, деди. Менга ишонч билдириб, қўлёзмани ўқишга тавсия этаётганидан қувондим. Асар менда илиқ таассурот қолдирди. Муаллифнинг кўнглини кўтариб: “Асар маърифий роман бўпти. Пастернакнинг “Доктор Живаго”сидан қолишмайди”, дедим. У киши кўнглини кўтарганимни сезди, шекилли: “Камчилигини айт”, деди. Мен шу қутлуғ ёшда эпик жанрга қўл уришнинг ўзи жасорат эканини таъкидладим. Кўзларидан менинг жавобим қониқтирмаганини сездим. Ўша дамда асарнинг сюжети, композицияси бироз сустлигини айтсам, устоз яна асар устида қаттиқ ишлайман, деб дардга чалиниб қолиши мумкинлигини ўйладим. Шундай эса-да, тўғри гапни яхши кўрадиган Шукрулло акага: “Ойбек домланинг романларига ўхшаш кўлам етишмаётгандай, воқеалар бирбирига боғланиб, чирмашиб кетиши керакдек туюляпти...”, дедим. “Ойбек ҳам шоир эди-ку”, деди устоз. “Ойбек домла катта романларини ёзганларида олтмишдан ошмагандилар”, деганимдан сўнг Шукрулло аканинг кўзлари чақнаб кетгандай бўлди гўё...

“Тирик руҳлар”ни “Танланган асарда” қайта ўқиб, ҳайратландим. Адиб асарни кейин яна анча ишлаган экан. Энг асосийси, асарнинг кўлами ҳам кенгайган, ўтган аср бошидаги воқеалар, Убайдулла Хўжаев, Мунаввар қори, Беҳбудий, Авлоний, Чўлпон, Фитрат ва бошқа жадидларнинг ёрқин сиймолари, мураккаб, чигал ҳаётини ўша давр воқеаларига уйғун тасвирлашга эришилган.

Шукрулло аканинг “Жавоҳирот сандиғи” мемуар қиссаси ҳақида ўтган асрнинг саксонинчи йилларида кўп ёзилган. Асар рус ва бошқа халқлар тилига ўгирилиб, ўқувчилар эътиборига тушган. Орадан кўп йиллар ўтиб, яқинда уни такрор ўқиб чиқдим ва асарнинг бадиий қиммати, тарбиявий аҳамияти бирдай сақланганига гувоҳ бўлдим. Муаллиф болалигида кўрган-кечирганларини, Тошкент маҳаллаларидаги ҳаёт тарзини, шоир бўлиб шаклланиш давридаги тенгдошлари, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон каби атоқли адибларнинг шахси, феъл-атвори, дунёқарашини ўзига хос шоирона иборaларда тасвирлайди.

Хуллас, асарнинг қайта мутолаасидан таъсирланиб, ҳаяжонимни яширолмай, устозга қўнғироқ қилдим: “Айниқса, устозларингизга бўлган муҳаббатингиз жуда бошқача чиқибди, уларнинг феъл-атворларини, юксак инсоний фазилатларга эга шахслар эканини бошқаларникига ўхшамаган тарзда ёзибсиз”, дедим. Шукрулло ака ўнлаб йиллар бурун ёзилган асари ҳақида яхши гапларни эшитиб боши осмонга етди, шекилли, ўзгача: “Худога шукур!” деб қўйди-да: “Расул Ҳамзатовга бир пайтлар сенинг “Доғистон”ингдан таъсирланиб “Жавоҳирот”ни ёздим деганимда: “Мен эса шайх Саъдийнинг “Гулистон”идан ўрганиб “Менинг Доғистоним”ни ёзган эдим. Асарлар шу тарзда битилади — ўтмиш алломаларидан ва бир-биримиздан ўрганамиз”, деган эди”, дедилар...

Ҳақиқатан ҳам, бу қисса етук асарлардан бири сифатида китобхонлар, айниқса, ёш авлод маънавий оламини бойитишда, таълим-тарбиясида бебаҳо қимматга эга.

Муборак тўқсон ёши муносабати билан чоп этилган “Ғойибона муҳаббат” номли тўпламга адибнинг кўплаб ўлкалардаги, хориждаги ўқувчиларидан келган ижоди, асарлари ҳақида фикр-мулоҳазалар битилган мактублар жамланган. Уларни ўқиб, Шукрулло аканинг қанча одамларнинг мушкулини осон қилгани, дардига малҳам бўлгани, эзгу ишлардан, ижоддан тўхтамаганига гувоҳ бўламиз.

“Ғойибона муҳаббат” китобидаги ижодкор дўстлари — Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев, Чингиз Айтматов, Мустай Карим, Комил Яшин, Чабуа Амирэжиби, Давид Қуғултинов, Одил Ёқубов сингари адабиёт дарғалари билан тушган суратларни кўздан кечирарканман, бу катта даврада Шукрулло аканинг ўз ўрни борлигига қувондим. Бундай ўринга ҳамма ҳам сазавор бўлавермайди.

**Аббос САИД**

Рауф СУБҲОН

# ЎЗБЕКИСТОН ЭРУР БОР ҚЎШИҒИМИЗ



Кўкайимдан тошган тўлқин
Кўнглинг қадар карвон бўлди.
Қай ошиқлар додлар балким,
Менинг йўлим равон бўлди.

Ёлғизликни йўлатмаган,
Бахтим ўзингсан, мабодо:
Муҳаббатдан эсар бўлса
Хотиржамликдир шаббода.

* * *

Биз доим тинчликни куйлаб учамиз,
Кўпчиликмиз, кўкни ёриб ўтамиз.
Дунёнинг қушлари бўлмаса агар,
Парвоз ёлғиз иши эмас, нетамиз?!

Баҳор чорламоқда Ўзбекистонда,
Ўзбекистон эрур бор қўшиғимиз.
Манзилда бемалол ин қуражакмиз,
Бизни чорлаётган юрт — бешигимиз.

Нотинч ўлкалар ҳам талпиниб қолар,
Тинчлик чорламаса ортга қайтмасдик.
Қай юртдан тополсак мангулик баҳор
Бошқа ўлкаларни асло айтмасдик!..

Ҳозирча йўлдамиз, ҳур парвоздамиз,
Ўзбекистон, деган жўр овоздамиз!..

## ҚУШЛАР ҚЎШИҒИ

Соғиниб қайтамиз
Шу юрт тафтини,
Соғиниб айтамиз
Қушлар бахтини.

Бизни нелар чорлар
Шунчалик илҳақ,
Сиз нечун кутасиз
Бунчалар барвақт?!

Бизга осон эмас
Жанубдан қайтиш,
Осон бўлмагандай
Шарқни тарк этиш!..

* * *

Сен ҳали ялпизи кетмаган уват,
Ҳар тонг айланардинг шабнам садафга.
Сен ҳали отингни билолмасдан бот
Қараб қўяр эдинг кўклам тарафга.

Сени такрорларди, ҳамма такрорлар,
Яна аланглардинг жисминг гул — қулоқ.
Англаш осон эмас, фурсат қарамас,
Энди баҳормассан, ёз бўлдинг кўпроқ.

* * *

Ёлғизликни йўлатмаган,
Бахтим ўзингсан, мабодо:
Муҳаббатдан эсар бўлса
Хотиржамликдир шаббода.

Шабдодаки, тўрланади,
Мавжланади юзларингда.
Ўша мавжлар қалбим ўйнар,
Жоним олган сўзларинг-да...

Қат-қат бўлар гунох-савоб,
Қатланади муҳаббат ҳам.
Сени десам ишқдир жавоб,
Бу дунёда қолмагай ғам.

## ОҚТОВДА

Тош қулади, тош қулади, тош қулади,
Чўққи — ёшлик, чиқсам кўнглим ёш бўлади.
Мен ўрлайман, қоялар-ку жигарларим,
Кўкдан боқар ота қуёш хуш кулади,
Бора-бора қоялар ҳам паст бўлади,

Пастга боқсам, паст чорлайди узун-узун,
Қоя деган яқинимдан тош жилади...
Чўққиларда кўрай дейман босган изим,
Излар узоқ, кўкда қушлар сас қилади:
— Сени бу юрт забонингга хос билади!..

* * *

Қора тунни гулханларда ёқ,
Саксовул, янтоқни, ўрикни.
Шунчаки ёқ, қала эринмай,
Кўрмайсан аламни, куюкни...

Қалагин изтироб ўрнида,
Шу гулханлар сен учун маёқ...
Токи қуёш бўй чўзмагунча
Қора тунни гулханларда ёқ!..

* * *

Соҳилда хаёллар дарёдай жўшар,
Ниначилар учар, капалак шошар.
Тебраниб туради кўнгил гуллари,
Қушлар сайрар, мавжли тўлқинлар тошар.

Ҳатто қайроқтошда жон зоҳир бўлар,
Бу тонгни чизолмас бирон мусаввир.
Ноҳуш шамоллар ҳам майин ўранган,
“Ҳаётни сев!”— дейди, бу шивир-шивир...

## ТУПРОҚ ИСИ

Дилрабо НОРҚУЛОВА

Деразамни очаман тонгда,
Соф ҳаводан яйрайди таним.
Гулларнинг хуш ифори билан
Уйга кириб келар Ватаним.

Боботоғдан мўралар қуёш,
Ёнбошлайди чўпон сингари.
Сўнгра заррин нур сочиб кетар
Даралардан далалар сари.

Йиғилади бир сурув булут,
Соясида қолади адир.
Майсазорни сийпалаб аста
Ёғиб ўтар бир зумлик ёмғир.

Жунжикади гулларнинг барги,
Доира чалар момогулдирак.
Кўкда эса ял-ял товланар
Атлас каби рангин камалак.



# ГУЛЛАРНИНГ ХУШ ИФОРИ

Тупроқ исин симирар тўйиб
Бешикдаги гўдакка қадар.
У Ватаннинг бўйидир асли,
Она ернинг бағридан келар.

Сендан билдим — ранглар экан нур,
Улар эркнинг тимсоли экан.
Шундан экан илоҳий сурур,
У — ой-қуёш висоли экан.

## РАНГЛАР

Ранглар нима? Нимадир жило?
Ё кўзларнинг сурган хаёли?
Беҳолгина турибди хино,
Бармоқларга бордек саволи.

Ранглар нима? Нимадир жило?
Нега қизил уфқнинг юзи?
Етти рангда товланиб турар
Камалакнинг биргина ўзи.

Ранглар нима? Нимадир жило?
Она юртнинг жамолими у?
Ватан, гулгун чеҳраларингда
Мангулик бор, сен абад, мангу.

## СУВ

Сувни хафа қилди анави одам,
Ҳузурида ёмон гап айтиб қўйди.
Бу зилол жилғанинг оғриди дили,
Бадани жимирлаб, вужуди куйди.

Бир саҳройи эса мақтади уни,
Шукр, деб томчисин кўзига сурди.
Чеҳраси очилди шунда жилғанинг,
Ўйноқлаб даралар сари югурди.

Одамлар! Кўнгилни асранг, кўнгилни,
Фақат эзгу сўзга тўлсин бу олам.
Топ-тоза сувларга яхши гап айтинг,
Айтманг ҳатто ёмон тушингизни ҳам!

— Бу китобни ўқиганмисан?



# СЕН-ЛА БЎЛСАМ ҚИШ, БАҲОРУ ЁЗУ КУЗ...

Ижодкор бисотидан



Сермазмун ҳаёт кечириб, халқ хизматида камарбасталик билан яшаган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Абдуманноп Эгамбердиев (1928-2009) умрининг сўнгги йилларида аруз вазнида қаламини синаб кўришга ҳаракат қилди. Ўқувчилар эътиборига унинг машқларидан намуналар ҳавола этилмоқда.

Абдуманноп ЭГАМБЕРДИЕВ

* * *

Биз томон келган кунинг яшнаб очилгай боғлар,
Ғуссаю ғам қолмайин кетгай кўнгилдан доғлар.

Сен-ла бўлсам қиш, баҳору ёзу кузнинг фарқи йўқ,
Қанду новвот, болу қаймоғдек туюлгай чоғлар.

Нуктадон сўзлар, ҳазиллар, чимрилишлар қош читиб —
Суҳбатингнинг завқидин чоғ ўлғуси диммоғлар.

Боғаро кезсанг шифоафшин нигоҳингдин, ажаб,
Руҳланурлар баҳра олган барча — бемор, соғлар.

Абдуманноп ўзини қўймоққа жой топмас, бироқ
Сенки борсан — кўкси кўкда, бас келолмас тоғлар.

* * *

Қайси эл фарзандисан, эй, бебадал нозли ҳилол,
Жонни ўртаб, дилни қийнаб чиқди тилга бу савол.

Бир қамар сиймо эрурсан, қилча нозик белларинг,
Асли зотинг дилрабо Кашмирдандир, эҳтимол.

Қадди-бастинг лол этар ҳаттоки жаннат сарвини,
Юз баҳор тополмагай бир бор сенингдек навниҳол.

Жон олур жодули мужгон, қора қаттол қошу кўз,
Лабларинг жонсизга жон бахш этувчи бода-бол.

Балки Фурқатни асир этган гўзал авлодисан,
Сени кўрган Абдуманноп кетди ўздан бемажол.

* * *

*Қилмағил зинҳор изҳор эҳтиёж,*
*Ким, азиз элни қилур хор эҳтиёж.*
**Нодира**

Қилма изҳор, унса ҳам зар, эҳтиёж,
Кетказар қадрингни, бил, ҳар эҳтиёж.

Борма мумсиқ пойига музтар бўлиб,
Айлагай нокасни кўр, кар эҳтиёж.

Феъли торга бари бирдир, бор-йўғи
Бир далолат бўлса ҳам гар эҳтиёж.

Одамийми, аҳли нокас — зарми, мис
Фарқ этувчи мисли заргар эҳтиёж.

Кимки бўлса аҳли дил, ҳожатраво,
Билки, қадрин айлагай зар эҳтиёж.

Абдулла Аъзам нашрга тайёрлади.

Николай ИЛЬИН

# ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ НИҲОЛИ

Дил изҳори

“Ватан учун яшайлик” номли нуфузли адабий танловда рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирланганим мен учун нимани англатади ва келажакда зиммамга қандай масъулият юклайди?

Ушбу мукофот билан тақдирланганимдан ниҳоятда қувондим ва ғурурландим. Чунки бундай омадни, камтарона ижодимга нисбатан бундай муносабатни кутмаган эдим. Ўзбек шеъриятини рус тилига таржима қилиш борасида ҳали унчалик кўп иш қилганим йўқ. Бироқ менинг ижодий меҳнатим тезда эътиборга лойиқ топилгани ва тақдирлангани, албатта, қувончли ҳол. Ўзбек шеъриятини рус тилига ўгиришда менга яқиндан ёрдам берган ҳамкорларимнинг ҳам бу мукофотга ҳақлари бор, деб ўйлайман.



Ахир кимдир мен учун сўзма-сўз таржимани тайёрлаган-ку. Кимдир тагматн, сўз маъноларри бўйича сон-саноқсиз саволларимга эринмасдан жавоб берган. Мумтоз шеърият тилини, форсий ва арабий лисонни яхши билган қанчадан-қанча танишларим эса ҳозир муомалада мавжуд бўлмаган кўп маъноли сўзларнинг маъноларини изоҳли луғатлардан, энциклопедиялардан излаб топишга кўмаклашган. Мен уларнинг барчасидан миннатдорман. Шоирлар билан ҳамкорликда ижод қилиш мароқли. Уларнинг шеърлари ҳар бири мазмунан қизиқарли ва теран, шаклан хилма-хил. Ушбу шеърлар таржимасига қўл урарканман, ўз ҳаётим билан эмас, ўша шеърлар муаллифлари ҳаёти билан яшай бошлайман. Ҳар бирининг дунёқараши, ҳаётга муносабатини, услубининг ранг-баранглигини ҳис этаман.

Мен бугунги кунгача шеърларини таржима қилган шоирлардан Сирожиддин Саййиднинг ёрқин поэтик манзаралари, Улуғбек Ҳамдам лирик қаҳрамонининг безовта туғёнлари, Турсун Али учликларининг мутаносиб оҳанглари, Ойгул Суюндиқованинг сокин ва ўйчан фалсафаси, Гўзал Бегимнинг оҳорли метафоралари ва сўз бирикмалари мени ўзига ром этади.

Кунлардан бир кун мен русийзабон ўқувчиларга “Современная узбекская лирика” китобини ўз таржимамда албатта тақдим этаман. Ана ўшанда менинг руҳиятимга экилган ўзбек шеърияти уруғлари униб-ўсганини, азиз дўстларим — ўзбек шеърияти боғбонлари ёрдамида ўстирган ўша ниҳолларим самара берганини ҳис этаман ва мана шу серқуёш диёрда бежиз камол топмаганимни исботлайман.

Рустам МУСУРМОН ёзиб олди.

# ЁЛҒИЗ КАБУТАР

Ҳикоя

Ҳалим дудуқнинг деразасига қарши тушган бир уй бор эди. Ҳалим у ерда ёлғизлик яшайди деб ўйларди.

Ўша «ёлғизлик» эрта тонгда уйғониб оларди, пиёлага чой қуярдию, аммо кўпинча ичмасди. Дераза пардаси тонгги шаббодани қўлтиқлаб ичкари тортарди. Сабо «ёлғизлик»нинг сочларини тортиб-тортиб безор бўлиб хонадан қочиб чиқарди. Рўпарадаги кўҳлик ошёндан шўхчан қўшиқлар овози келарди. Аммо «ёлғизлик» доимгидек ўйинбузарлик қилиб, иягига кафт тираб бу хонишларни хаёлчан қарши оларди. Хона ғамга ботиб кўкариб кетар эди. Шўрлик шамлар айрим кунлари кечаси билан йиғлайвериб, шамдонга етмай тош қотиб қоларди. Шундай кунларда Ҳалим дудуқнинг ҳам уйқуси қочарди. Уйига суяб қўйилган шотининг ўртанчасига ўтириб, оёғини осилтирганча у ҳам «ёлғиз»га айланарди.

...У Юмалоқ тепага ўрлади. Яшилликда оёғи тойиб бораверди. Этигининг учи билан тош қидириб олдинга мункий-мункий одимлади. Баланд тоғлар тожи оқ қор бўлса, Юмалоқ тепаники оқтош эди. Оқтошга елкасини берганча биров ўтирибди. Елвизак унинг беқасам чопони унгирларини қизғалдоқ баргидай ҳилпиратади. Тўзғин сочларини гоҳ у ён, гоҳ бу ён тарайди. Йигит чўпон таёғини бу томонга олганча Ҳалим дудуққа жой берди. Сўнг овозини баралла қўйганча бақирди.

— Ча-ай! Шохинг сингур, ча-ай, дедим!

Аммо қурғур эчки бу дўқдан ҳайиқмади ҳам, энди қуёш тиғи ялаган чучмомалардан, қора бошу, кўкгуллардан саралаб кавшаниб кетаверди. Ортидан қўй-эчкилар бири қўйиб, бири бақириб қир ошдилар.

— Уфф, Ҳалим, шу Олабелни бир кунмас бир кун уриб ўлдираманда.

— Эй, қў- қўйсангчи.

— Кўрмайсанми буни.

— Бек-бекорга эй-эчкини шайтон қа-қавмидан дем- демайдиларда.

— Ҳмм, нимасини айтасан. Сенинг қўйларинг қани?

— А- а-ана!

— Кетдик бирга қўшиб боқамиз. Улар ёлғизоёқ йўлдан юриб Чоғот томонга йўл олдилар. Сурув олдини қайириб ташлаб, иккови қумлоқ йўлча устига чўк тушдилар.

— Ҳали-им!

— Ҳмм.

— Сенам бировни севганмисан ҳеч?

— Э-эй бор-е-е!

— Нимадан уяласан ўғил боламиз-ку.

— Ўз- ўзинг а-айт.

— Мен ҳам бир қизни ёқтираман лекин аввал сен айт- чи?

— Ней- ега ах-ах...

— Кел! Бундай қиламиз, иккаламиз ҳам тескари ўтириб ўзимизга ёққан қиз исмини ёза қоламиз.

— Бўб- бўпти.

Ҳалим кўрсаткич бармоғини хатчўп қилиб “Д” ҳарфини ёзди. Бектош зимдан уни кузатиб турган экан кулиб юборди. У ҳижолатпаз ўзини майна бўлган ҳисоблаб кафти билан қумдаги ёзувни ўчириб ташлади.

— Эй, од- одам по- подаммасак- акансан қўй-э.

— Қўйсангчи, нимасига хафа бўласан. Мана мен ҳам ёзаяпман — дея Бектош қумга “Дил” сўзини ёзди, зум ўтмай тўхтаб қолиб, сўради. – Нега сен ёзмаяпсан?

— Ма- мана, ёз- ёзяпман.

Ер бағирлаб қараб турган Ҳалимнинг ичига олов тушди. Қўли беихтиёр ёза бошлади. Бектошни ҳайрат билан қичқириши уни бироз ўнглади.

— Ҳей! Сен ёқтирган қизни исми ҳам “Дил” дея бошланадими? Мабодо сен ҳам қўшни қиз Диломни а, кўзлаб юрган бўлма тағин.

Ҳалим муштлашишда таслим бўлган боладай бир қадам ортга чекинди.

— Йў-йўқ! М-мен, — дея хаёлига келган “Дил” сўзи билан бошланувчи исмни қизариб, бўзариб ёзиб ташлади. Лаҳзада ҳаммаси ойдин бўлди. Бектош Диломни ёқтираркан, Ҳалим эса ўзи ҳам яхши танимайдиган Дилдора исмли қизни. Сўнгра улар кўм-кўк майсаларга чўзилиб узоқ хаёл сурдилар. Бектош Диломнинг кўзларини Қоратўрининг кўзларига қиёслади. Ҳалим бунга қўшилмади. Унинг нигоҳини оҳуникига менгзади. Бектош Диломнинг узун сочларини отининг ёлига ўхшатди. Ҳалим тағинам унинг фикрига қўшилмади. Диломнинг сочлари Ҳасанбуванинг ҳовлисидаги мажнунтол шохларини эслатади, деди.

Икковлон тоғдан қалин дўст бўлиб қайтди. Бири- бирисиникига тез-тез қатнайдиган одат чиқарди. Айниқса Бектош бир кунда икки марталаб келгич бўлди. Дўсти келди дегунча онасининг ҳай-ҳайлашига ҳам парво қилмай болохонага чиқиб оладиган бўлдилар. Нима эмиш “кабутар боқар” эмиш. Бир куни азбаройи куйинганидан онаси койиб: “Отанг қиладиган ишни қилсангчи”, деб дакки ҳам берди. Аммо фойдаси бўлмади. Онаси доим шу ҳақда гап очгудай бўлса, топиб олган гапи битта:

— Кабутар қуш бўлмаганида фаришта бўлар эмиш. Томимизда фаришта яшаса ёмонми она, — дейдиган бўлди.

Кабутарнинг Ҳалимга аён хислати кўп эди. Патир-путир учиб ҳаммани осмонга қаратар, бу икки дўст учун айни муддао эди.

Булар учун қишлоқ аҳли эътиборидан ҳам Диломники муҳим эди. Режа ўзини оқлай бошлади. Қўшни қиз гоҳ деразадан, гоҳ ҳовлини супираётиб кабутарларга, сўнг йигитларга жилмайиб қўярди.

Ҳалим бир куни қўлини соябон қилиб, кабутарларни кузатаётган қизга “Дон берсанг, сенга ҳам ўрганади демоқчи бўлди-ю,” дудуқланиб гапини адо қилолмади. Унинг ўрнига қизга бу гапни Бектош чиройли қилиб тушунтириб бера қолди. Ҳалим осмонга қаради, гўёки ўзини “фаришта”ларни кузатаётганга ўхшаб кўрсатди. Аслида ўз уйидан ўғирлик қилиб чиқиб, бегона болага конфетини олдириб қўйган болага ўхшарди.

Ҳазин япроқларни ерга тўшаган куз кетидан, бироз ўйинқароқ баъзан қаҳри қаттиқ феъли Диломга ўхшаб кетадиган қиш кириб келди. Бу орада учовлон жуда аҳил бўлиб кетдилар. Ҳалим одатига қарши бироз хушчақчақ бўлиб қолди. Йигит билан қиз бир-бирига араз қилган дамларда, у масхарабозлик қилиб, уларни яраштириб қўядиган бўлди. Хуллас улар чироққа, Ҳалим парвонага айланди.

Музлар эриб ўт-ўланлар нишура бошлаган дамларда Диломнинг ёввойи қалбидан ҳам оппоқ бойчечак каби ишқ униб чиқди. Бунга Бектошнинг бир неча бор қизга бермоқчи бўлиб ёзган хатлари инкор этилиб, Ҳалим томонидан таҳрир қилинган хатлари сабабчи бўлди. Дилором бу хатларни ҳар куни бурчакдаги хонага қамалиб олиб, қайта-қайта пичирлаб ўқийдиган одат чиқарди. “...Дилором синфхонамизнинг деразасидан гуллар яноғидаги томчиларни қувалаб келган шаббода юзингизга урилиб, сочингиздаги баҳор ифорини димоғимга тутганда мен беихтиёр титраб кетаман...” У бегона қалб сатрларидан мана шундай сармаст бўлди. Ҳаёт шундай бошланди. Ўзга қўл ёзаверди, бу ёзиқни содда кўнгил дил лавҳига кўчираверди. Ва Бектош бир қиз қалбини қурол яроқсиз асир этди. Битирувдан сўнг ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб кетди. Бектош портфелини қўлтиқлаб шаҳарга жўнади. Ҳалим қўй боқадиган бўлди. Дилором йўл боқадиган бўлди. Бектошдан аввал-аввал мактуб келиб турди. Кейин бутунлай келмай қўйди. Ҳалим шунда ҳам хат битишни канда қилмади. Бир куни Дилором узоқдан Бектошнинг қорасини кўриб, қўлида челак билан йўлга чиқди. Бектошнинг сўзлари совуққина эди. Сўзларидан ҳам кўзларида совуқлик кўп эди. Дилором муз бўлиб қолди. Ҳалим буни кўрмади. Тағин хат ёзиб жўнатди. Кабутари яна ўша хатни қайтариб келди. Ҳалим қир ошиб, Бектошни сўрагани борди. Энди Бектош Бектош эмас, Тошбекка айланиб қолганди. Шундан ёлғизлар иккита бўлди. Яна нима қиларини билмай ўртада сарсон бўлган ёлғиз кабутарга ҳам қийин бўлди.

Ҳалим хотиралар дафтарини ёпиб нарвондан қўзғалганда тун алламаҳал бўлганди. У жойига бориб чўзиларкан юраги кўрпанинг оғирлигиданми ачишаверди.

Эрта тонгда сурув ортидан отланаётган Ҳалимга онаси койиниб гапирди.

— Ўғлим, намунча одамови бўлиб қолдинг. Мана, қанча вақтдан буён шу аҳвол, келасан, хонангга қамалиб оласан. Эрта тонгдан яна тоққа чиқиб кетасан. Мундай, одамларга ўхшаб тўй-маъракага ҳам қатнашай демайсан-а?..



Ҳалим тағин онасининг гапини чала қолдириб тоққа ўрлаб кетди. Кун чошкада Зикир бува билан юз кўришди.

— Ҳалим полвон, ҳамсоянгникида тўй, сен қўй боқиб юрибсан.

Қа-қа-қайси? Ҳам-ҳамс...

— Анови, Абдумурод жувозкашнинг қизини чиқаришяпти, деди шекилли.

— Ним-нима? Дил-дил...

У шу сўзларни гапира туриб, Оқтовдан пастга қараб чопиб кетди-ки, ортидан ҳеч нарса англолмай Зикир бува хой-ҳойлаганча қолаверди. Пастда машиналар карвони бири қўйиб, бири сигнал чалиб, бутун тоғни ларзага келтирганча, қишлоқдан узоқлашиб борарди. У жон-жаҳди билан улар орқасидан югурди. Гўёки етиб борса, Дилоромни ўзи билан олиб қоладигандай. Аввал чўпон таёғи, сўнг чопони қайдадир қолиб кетди. Оқтошга етдим-етдим деганда оёғи нимагадир чалишиб кетиб йиқилиб тушди. Шу аснода сал қолса пешонаси тошга урилай деди. У бир муддат оппоқ тошга термулиб, расм томоша қила бошлади. Йўқликнинг суратини. Кейин ўша нуқтадан кўзни узмай тураверди. Бирдан оппоқ силлиқ тошда ўз аксини кўриб қолди. Ич-ичидан йиғилиб келган дард алами билан қичқириб юборди.

— Дилором, мен сени севаман. Эшитаяпсанми? Мен сени севама-ан!

Кейин бирдан бошини қуйи солиб жим бўлиб қолди. Тошлар эса ҳеч қандай дудуқланмай акс садо қайтарди:

— Мен сени севама-ан!

Абдулла ЧИМИРЗАЕВ

# МОНУМЕНТАЛ САНЪАТДА ДАВР ТАЛҚИНИ

"Мустақиллик даври ўзбек меъморчилик ва монументал ҳайкалтарошлик санъати" албом-каталоги нашр этилди. Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан тайёрланган бу албомда жамланган меъморий мажмуалар ёдгорликлар, обидалар, тимсоллар, рамзлар, ҳайкаллар суратини томоша қилар эканман, кечаги кун манзаралари бирма-бир кўз ўнгимдан ўта бошлайди. Собиқ тузум даҳолари ўз идеалларини абадийлаштириш учун нималар қилишмади. Доҳийлар ва партия раҳбарларига бағишланган санъат намуналарини нафақат йирик шаҳарларда, балки олис туманларда, ҳатто қишлоқларда ҳам кўриш мумкин эди. Жуда кўплаб истеъдод эгаларининг ижоди мана шундай пуч мафкурага хизмат қилдирилганига, уларнинг меҳнатлари зое кетганига ачинасан, киши. Ҳайкалтарошлар бунинг учун тор ихтисослик чегарасидан чиқишга, деворга чизишга, ганч ва ёғоч ўймакорлиги, мозаика, витраж теришга, рангли рельеф, металл ёки сополда декоратив ҳайкал композициясини яратишга, интерьернинг умумий ечимини белгиланган бир хил услубда топишга мажбур бўлишганди. Ўтган асрнинг 30-йилларида рассом А.Васнецов: "Қаерда ҳайкалтарош, қаерда эса амалий санъат устаси ишлаяпти, фарқлаш мушкул", деб ёзганди.



"Собиқ Шўро даврида республикамизда, хусусан, пойтахтимизда ўша давр мафкурасига хизмат қиладиган кўплаб ҳайкалтарошлик ишлари ўрнатилган эди, — деб ҳикоя қилади ҳайкалтарош Анвар Раҳматуллаев. – Масалан, инқилоб хиёбонида Карл Маркс, темирйўл вокзали хиёбонида 26 комиссар, Ленин майдонида Ленин ҳайкали каби қатор ишларни айтиш мумкин. Бу асарларнинг эскизи яратилиши ва ҳайкалларнинг ўрнатилишига бевосита гувоҳ бўлганман.

"Матонат" ёдгорлигини москвалик ҳайкалторош Д.Рябичев ишлаган. Ўша кезларда шаҳар бош рассоми вазифасида ишлардим. Республика Маданият вазирлигидан М.Соколова билан биргаликда Москвага бориб, Рябичев устахонасида бўлдик. Устахонада ўша иш эскизини кўрдик. Унда камчиликлар кўп эди. Мен бу ҳайкал бронзага қуйилиб, Тошкентда ўрнатилгандан сўнг кўрдим, айтган фикрларим инобатга олинмаган экан. Ҳатто ўзбек йигитининг миллий белбоғи тескари боғлаб ишланган эди. Шунинг учун ҳам халқ орасида бу асар алиментчи номи билан «машҳур» бўлди. Муаллиф эса, қарангки, бу асар учун Ҳамза номидаги Давлат мукофотини олди. Яна шундай ишлардан бири Шомаҳмуд ота мажмуасидир. Бу асар ҳам Москвада ишланган. Асарни ҳайкалтарош устахонасида кўрдим. Унда бош қаҳрамон нурсиз, атрофидаги болалар эса худди чиллаширга ўхшатиб ишланган эди".

Юқорида тилга олинган асарларни бежиз эсламадик. Уларнинг фаолияти бугунги кун ижодкорлари учун сабоқ бўлиши турган гап.

Ҳайкалтарошликнинг илк келиб чиқиши ва ривожи негизида, шубҳасиз, қадимий маросимлар, афсонавий тасаввур ва ривоятлар, турли этномаданий анъаналар ётади. Маълум даврлар ўтиши билан бу фаолиятнинг илк мақсад ва вазифаси ўзгара борди ва ниҳоят, бу гўзалликка, табиатга, тарихий шахсларга, халқ хотирасига бўлган эҳтиром сифатида санъатнинг юксак мақомига кўтарилди. Агар шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бундай хусусиятлар антик даврдаёқ яратилган кўплаб маҳобатли ҳайкаллар ва тимсолларда мавжуд эди. Уларда ўша даврдаёқ ўз йўналишига кўра турли хил мактаблар, анъаналар, оқимлар мавжуд бўлгани кўзга ташланади. Шубҳасиз, бундай ранг-баранглик асрлар оша турли маданиятларнинг бир-бирига ўзаро таъсири, ҳар бир сулоланинг хоҳиш-истаги ва ўша давр эстетикаси сифатида намоён бўлади.



Мустақилликнинг илк даврлариданоқ ана шундай қадимий анъаналарни қайта тиклаш, бу санъат воситаларини қўллаш, уларни шаҳарсозликда ўзаро уйғунлаштиришга катта эътибор қаратилди.

Ўзлигимизни англаш, асрий ва азалий қадриятларимизни тиклаш, маънавиятимиз асосла-

**Истиқлол илҳомлари**

рини тушуниб етиш жараёнларида улуғ аждодларимиз, буюк алломалар табаррук номларининг тикланиши, уларга атаб ҳайкаллар, зиёратгоҳлар, меъморий мажмуалар, майдонлар яратилиши беқиёс аҳамиятга эга бўлди.

"Юртимизда маънавий тикланиш ва янгиланиш жараёнлари бошланиши билан бошқа санъат турлари каби монументал санъатда ҳам янги давр бошланди. Ушбу соҳа шу қадар нозик ва мураккабки, унда ҳар бир детал, ҳатто энг майда бўлиб кўринган масалага ҳам жиддий эътибор қаратиш талаб этилади", дейди Юртбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида.

Албомга киритилган маҳобатли санъат намуналари ҳамда меъморий мажмуалар мавзу ранг-баранглигига кўра эътиборни тортади. Жумладан, тарихий сиймолар мужассам этилган ҳайкаллар галереяси миллатнинг яхлитлиги, маънавияти ва маърифатию маданиятини янада юксалтиришга хизмат қилади, тарихий мавзулар, тарихий шахслар тасвири ўтмишдаги аждодларимиз номларинигина эслатиб турмайди, балки улар қолдирган маънавий меросни ўрганишга чорлайди. "Эл-юрт таянчи" (Қарши шаҳри, 2006 йил), Абдулла Қаҳҳор (Тошкент шаҳри, 2007 йил), Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия (Тошкент шаҳри, 2008 йил), "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументи (Бухоро шаҳри, 2010 йил), Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек (Тошкент шаҳри, 2010 йил) ҳайкаллари меъморчилик, ландшафт ва шаҳарсозликнинг замонавий анъаналарига мос ва уйғунлиги билан ажралиб туради.

Монументал ҳайкалтарошлик бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Президентимиз ташаббуси билан Мустақиллик майдонига кираверишда «Эзгулик аркаси» барпо этилди. Пойтахтимиз марказидаги "Эзгулик аркаси" дарвозаси тепасидаги декоратив ҳайкалтарошлик композицияси, "Бахтиёр Она" асарларида халқимизнинг покиза орзу-ўйлари мужассам.

Ўзбек ҳайкалтарошлари хорижий мамлакатларда ҳам маҳобатли санъат намуналарини яратишди. Жумладан, Япониянинг Токио шаҳрида Алишер Навоий ҳайкали (муаллифи Р.Миртожиев) ўрнатилиши муносабати билан Сока Гаккай Интернэшнл Президенти Дайсаку Икеда ўз табригида шундай деганди: "2004 йил март ойида, университетимизда Ўзбекистон ҳукуматининг туҳфаси – улуғ шоир Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилди. Давлатларимиз ўртасида илм-фан, маданият ва санъат соҳасида ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланиб бораётганидан чексиз қувонаман. Чунки мураккаб замонамизда кишилар ўртасида инсонпарварлик туйғулари пайдо бўлиши, жаҳонда тинчлик барқарор бўлишига асос яратилди".

Миср пойтахти Қоҳирада «Ҳадиқа ал-Ўзбекия», «Сур ал-Ўзбекия», «Ҳай ал-Ўзбекия» мавзелари мавжуд. Бу ерда «Миқёси Нил»ни яратган алломамиз Аҳмад ал-Фарғонийга эҳтиром ва икки халқнинг кўп асрлик илмий-маданий алоқалари тимсоли сифатида монументал ҳайкал ўрнатилди. "Ҳазрат Навоий", "Мирзо Улуғбек" (Россия), "Камолиддин Беҳзод" (Хитой), "Ал-Фарғоний" (Миср), "Ибн Сино" (Латвия) ҳайкалларининг ўрнатилиши ҳам, шубҳасиз, Истиқлол туфайли дунё қайтадан тан олган буюк Ўзбекистон тимсолларидир.

Юртимизнинг турли ҳудудларида аждодларимизнинг табаррук номларини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган меъморий ёдгорлик мажмуалари нафақат ҳамюртларимизни, балки хорижлик сайёҳларни ҳам ҳайратга солаётир. Бу эса ҳар бир кишида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади. Узоққа бормай, пойтахтимизда бунёд этилган Ҳазрати Имом мажмуасини кўз олдимизга келтиришнинг ўзи кифоя. Махтумкули (Хива шаҳри), Низомий Ганжавий (Тошкент шаҳри), Тарас Шевченко (Тошкент шаҳри) каби қардош халқларнинг буюк намояндаларига эҳтиром сифатида ўрнатилган ёдгорликлар халқлар ва давлатлар ўртасида дўстона алоқалар кучайиб бораётганидан далолатдир.

Таъкидлаш жоизки, мазкур албомнинг нашр этилиши мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига муносиб совға бўлди.

**Нодир НОРМАТОВ**

# ЯНГИ МАВСУМ СУҲБАТИ

Ўзбекистон халқ артисти Мурод Ражабовни халқимиз театр ва кино актёри сифатида яхши билади. Унинг кино соҳасидаги ижоди сўнгги йилларда, айниқса баракали бўлмоқда.

Ўтган йили севимли актёримиз Муқимий номидаги театр директори этиб тайинланди. Куни кеча мазкур театр 73-мавсумини очди. Тадбирда ўтган даврларда ижодий жамоа саҳнага қўйган энг яхши асарлардан, жумладан, "Тоҳир ва Зуҳра", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Равшан ва Зулхумор", "Алпомиш", "Аршин мол олон" спектаклларидан парчалар намойиш этилди. Тадбирдан сўнг М.Ражабовни суҳбатга тортдик.

**— Мурод ака, аввало, жамоани янги мавсум билан, Сизни эса республика театрларининг "Сени куйлаймиз, замондош!" танловида "Замонавий мавзуда спектакл яратишдаги ташаббуси учун" деб номланган махсус совринга сазовор бўлганингиз билан табриклаймиз. Актёр сифатида эркин ижод қилиб юрган одам театр директори вазифасида ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз? Ишни нимадан бошладингиз?**

**Театр**

— Албатта, раҳбарликнинг катта масъулияти, ўзига яраша жавобгарлиги бор. Айниқса, Муқимий номидаги театрдек ўзига хос тарихга, анъаналарга эга бўлган жамоага бош бўлиш осонмас. Лекин жамоа мени жуда самимий қарши олди, худди эски қадрдонлардек ишлаб кетдик. Аслида ҳам бу ерда ижод қилаётган актёрларни, режиссёрларни яхши танийман, ижодий жараёнда кўплари билан партнёр бўлганмиз.

Фақат бир нарса мени бироз ташвишга солганди. Яъни, мусиқали театрнинг ўзига хос жиҳатлари, бироз мураккабликлари мавжуд. Театрнинг бу жиҳатларини ҳам аста-секин ўрганиб боряпман.

Театрга келишим юртимиз мустақиллигининг 20 йиллигига қизғин тайёргарлик кечаётган даврга тўғри келди. Аввало шу сана, қолаверса, Президентимизнинг кўҳна Бухоро шаҳрида янги театр мажмуаси очилишида билдирган фикрлари, хусусан, замон қаҳрамонлари образларини саҳнага олиб чиқиш ҳақидаги мулоҳазалари бизга дастуриламал бўлди. Мамлакатимиз жанубий ҳудудини ҳимоя қилаётган жасур йигитларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи "Матонат" (У.Азим асари) асарини саҳналаштиришга киришдим. Унда лейтенант йигит Равшаннинг террорчилар қуршовига тушиб қолиши, мард чегарачининг юртига қурол кўтариб кирган рақиби Кабир билан муросасиз тортишуви ва охир-оқибат ҳақиқат, адолат тантанаси ҳақида сўз боради.

Спектакл безакларида (рассом Шуҳрат Абдумаликов) юртнинг чегара ҳудудларидаги табиат манзаралари гўзаллиги, персонажларнинг туғилган ўлкасига муносабати Ватан тимсолида уйғунлашади. Актёрлар Азиз Латипов ва Умид Шодмонов ижросидаги Равшан ҳамда Кабир баҳси томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Икковининг тўқнашуви янгича услубда ҳал этилган. Кабир юқори пафос билан гапирса, Равшан оҳиста, аммо самимий сўзлайди. Баъзи кўринишларда чегарачининг ҳақиқатига Кабир ён бераётгандай туюлади. Аммо чет эллардаги ҳомийлари томонидан онгига сингдирилган "қўл бола ҳақиқати" уни яна тушовлайди. Бу ҳолатнинг Умид Шодмонов ижросида ишонарли ифода этилиши томошабинга ҳам оқу қорани ажратишга ёрдам беради. Қуруқ шиор ёки баландпарвоз гаплар билан эмас, туйғулар таъсирида ёлғонни ростдан ажрата билиш, бунга томошабинни ишонтиришга ҳаракат қилдик.

Театр мутахассислари спектаклнинг муваффақиятларини таъкидлаган ҳолда, бу мусиқали асар эмас, деган фикрни ҳам айтишди. Тўғри, спектаклда ария ва дуэтлар йўқ. Аммо истеъдодли ёш композитор Сарвар Юсупов драматизмга бой мусиқа ёзганини таъкидлашни истардим. Актёрларнинг руҳий ҳолатларини бўрттириб кўрсатишда мусиқа ва сўз бир-бирини тўлдириб турди. Хор томонидан спектакл сўнгида ижро этилган Ватан ҳақидаги қўшиқ томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Театримиз бош режиссёри Баҳодир Назаров драматург Рихсивой Муҳаммаджонов ва композитор Қаҳрамон Комиловнинг "Гаровдаги муҳаббат" (қўшиқлар матни муаллифи Тўра Мирзо) мусиқали драмасини саҳналаштирди. Бу асарда ҳам ижобий қаҳрамон яратиш борасидаги изланишларни давом эттирдик. Бузғунчилар томонидан ҳибсга олинган одамлар гарчанд турли касб эгалари бўлсалар-да, аммо уларнинг бошини отамаконга бўлган меҳр бирлаштириб туради. Бу спектакл чинакам маънода мусиқали драма бўлгани мутахассислар томонидан эътироф этилди. Хуллас, жамоа билан замон қаҳрамони тимсолини яратишга ҳаракат қиляпмиз.

Янги мавсумга яхши ниятлар билан қадам қўйдик. Режаларимиз кўп. Бугун бир ватқнинг ўзида учта асар устида иш кетяпти. Режиссёр Баҳодир Назаров оқила ва жасур ватандошимиз ҳақида "Тўмарис" мусиқали драмаси, яна бир режиссёр Аҳад Фармонов замонавий мавзуда "Қутича" комедияси, ўзим Проспер Мерименинг "Африкача севги" фарси устида иш олиб боряпмиз. Шунингдек, келгусида репертуарга киритиш мўлжалланаётган Рихсивой Муҳаммаджоновнинг "Алвидо, муҳаббат", Усмон Кўчқор ва Тўра Мирзонинг "Бешёғочга Таркан келармиш" ва яна бир неча пиеса муаллифлари билан асарларнинг саҳна вариантини яратиш борасида иш кетаяпти.

**Туронбека ЖАББОРЛИ**
**ёзиб олди**



«Отабек ва Кумуш» спектаклидан лавҳа. Р.ИСЛОМОВ олган сурат.

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик институтида "Санъатшуносликнинг долзарб муммолари" мавзуда республика илмий-назарий анжумани ўтказилди.

Санъат тарихи, тасвирий ва амалий безак санъати, меъморчилик, театр, мусиқа, кино санъти ва телевидение каби йўналишлар бўйича олимларнинг маърузалари тингланди. Маърузаларда ўзбек санъатшунослигининг сўнгги 20 йил мобайнидаги ривожланиш босқичлари қамраб олинди.

Мутахассислар томонидан санъатни тадқиқ этиш методологияси мезонларига доир муаммолар ҳам муҳокама этилди.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

* * *

Татаристон пойтахти Қозон шаҳрида бўлиб ўтган анъанавий халқаро мусулмон киноси фестивалида режиссёр Шуҳрат Маҳмудовнинг "Ўзбеккино" Миллий агентлиги буюртмаси асосида суратга олинган "Нур — Шарқдандир" ҳужжатли бадиий кинолентаси "Томошабинлар меҳри" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Еттинчи марта ўтказилаётган Қозон кинофестивали мусулмон оламидаги анъана ва янгиликларни тарғиб қилишда тобора юқори мавқеъ касб этиб бормоқда. Унга тавсия қилинаётган кинокартиналар орасида ислом дунёсининг буюк алломалари ҳақидаги асарлар ҳам салмоқли ўрин тутади. Жумладан, "Нур — Шарқдандир" филми ватандошимиз Абу Али Ибн Синонинг ҳаёти ва жаҳоншумул фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.

**Д.МАРДОНОВА**

# МАЪНАВИЙ МЕРОС ВА ЗАМОН

**Халқ ижоди — хазина**

Ўзбек халқининг кўҳна ва бой мусиқа маданияти асрлар оша қудратли маънавият манбаи бўлиб келгани тарих саҳифаларидан маълум. Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек: "Маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар маънавиятни шакллантиришнинг энг муҳим пойдеворларидан биридир".

Маълумки, диёримиз қадим-қадимлардаёқ маданият ўчоғи, илм-фан ривож топган замин сифатида маълум ва машҳур бўлган. Бу ердан етишиб чиққан буюк олимлар, шоиру бастакорлар жаҳон фани, меъморчилиги, адабиёти ва санъати ривожига катта ҳисса қўшиб келганлар. Жумладан, ўзбек мусиқасининг кўҳна ва ҳамиша навқирон маросим қўшиқлари, ашула йўллари, катта ашула, достончилик ва мақомчилик санъатлари ҳам асрлар давомида турли кўринишларда ривожланди, тараққий этди.

Истиқлол туфайли халқимиз бой маданий меросини ўрганиш, юртимиз тарихи, ўтмишини илмий холис баҳолаш, миллий қадриятлар, удум ва урф-одатларимизни қайта тиклаш имконияти туғилди. Аждодларимиздан бизгача етиб келган маънавий бойлик – халқ қўшиқлари, йиғи-йўқловлари, алла ва лапарлари, достонлари ва мақомларини бугунги кун нуқтаи назаридан ўрганиш, уларни тиклаш ва авайлаб-асраш, келгуси ёш авлодга бекаму кўст етказишга давлат даражасида эътибор қаратилди. Умумхалқ байрамлари сифатида ҳар йили нишонлаб келинаётган Мустақиллик ва Наврўз айёмларимиз бунга ёрқин мисолдир.

Шу билан бирга, Хива шаҳридаги "Ичан-қалъа" ёдгорликлар мажмуаси, Бухоро тарихий маркази, Шаҳрисабз тарихий маркази, жаҳон сайқали дея таърифланган шаҳримизнинг "Самарқанд – маданиятлар чорраҳасида" номи билан ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий ва табиий мерос объектлари рўйхатига киритилиши, "Бойсун баҳори" очиқ фолклор фестивали, Самарқандда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали, "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивалларининг ўтказилиши, Бойсун маданий муҳити, Шашмақом, Катта ашула ва Наврўз каби дурдоналаримизнинг ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон номоддий маданий мерос объектлари репрезентатив рўйхатидан ўрин олгани юртимизда қадимдан маданият ва санъат юксак тараққий қилганидан далолат.

Мустақилликнинг илк йилларидаёқ мамлакатимизда маданий ва табиий ёдгорликларни муҳофаза қилишнинг тўла ҳуқуқий ва идоравий тизими яратилди. Мазкур тизим шу соҳадаги чора-тадбирлар мажмуасини халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ амалга оширишни таъминлайди. ЮНЕСКОнинг 2003 йили қабул қилинган Конвенциясида номоддий маданий мерос тушунчаси ва йўналишлари белгиланган бўлиб, ушбу меросга ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналари (шу жумладан, номоддий маданий меросни ифодалаш омили сифатида тил), анъанавий ижрочилик санъати (сўз, мусиқа, томоша ва рақс), урф-одат, маросим ва байрамлар, табиат ва коинот ва унга оид билимлар ҳамда анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар киритилган. Асрлар давомида эзгуликни тараннум этиб келган ўзбек халқининг номоддий маданий мероси дурдоналарида олижаноб ва улуғвор мақсадлар ўз ифодасини топган.

Маънавий қадриятларимиз тизимининг таркибий узви сифатида ўзбек анъанавий мусиқаси, фолклори ҳамда мумтоз мусиқа намуналари ва анъанавий ижрочилик ҳам назарда тутилади. Шунинг учун ҳам анъанавий мусиқа асарларини янада изчил тўплаб, ёзиб олиб, тадқиқ этиш, анъанавий мусиқа санъатини кенг ривожлантириш ва янги ижодиёт йўналишларида фойдаланиш, халқимиз орасида янада кенг тарғиб этиш муҳим вазифалардан.

Маънавий қадриятларни тиклаш ва миллий менталитетимизни белгилайдиган номоддий маданий мерос анъаналарини муҳофаза қилиш, уларни асраш ва ривожлантиришга сўнгги йилларда алоҳида эътибор берилмоқда. ЮНЕСКОнинг "Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш" Конвенцияси Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан Марказий Осиё минтақасида биринчилар қатори ратификация қилиниши ва бу тўғрида амалдаги "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритилиши ҳамда Олий Мажлиснинг Қонунчилик Палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқуллангани номоддий маданий мерос анъаналарининг миллий хусусиятларини сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ҳозирги кунда "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш" Давлат дастурини бажариш юзасидан номоддий маданий мерос объектлари рўйхатини юритиш ва уларни тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида Низомлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Республика илмий-услубий Маркази қошида "Номоддий маданий мерос бўлими" ташкил этилиб, фаолият бошлади. Йил давомида турли семинар ва илмий-амалий анжуманлар, турли жанрлар бўйича кўрик-танловлар ва фестиваллар ўтказилмоқда, тўпламлар ва илмий-оммабоп китоблар нашр этилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти Санъатшунослик институти билан ҳамкорликда 100 томдан иборат "Ўзбек фолклори ёдгорликлари"ни нашр этиш, турли жанрларга бағишланган илмий ва илмий-оммабоп нашрлар тайёрлаш ва чоп этиш, Санъатшунослик институтида ва Ўзбекистон телерадиокомпания фонотекаларида сақланиб келаётган ноёб мусиқа ёзувларини замонавий техник воситалар орқали аудио ва видеодискларга кўчириб, тингловчиларга тақдим этиш ишлари олиб борилмоқда.

Номоддий маданий мерос объектлари олий ўқув муассасалари ўқув жараёнига киритилмоқда, улар ҳақида талабалар учун ўқув-услубий дастурлар, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар тайёрлаш режалаштирилган. Жойларда илмий ва фолклор экспедициялари уюштириб, ноёб дурдоналарни тўплаш ва ёзиш ишлари олиб борилмоқда. Улар ҳақида маълумотлар тўплаб, миллий ва локал рўйхатлар тузиш борасида амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, республикамизда мавжуд номоддий маданий мерос объектларининг олтита йўналиши (сўз, мусиқа, томоша, рақс санъатлари, миллий ҳунармандчилик ва маданий муҳит) бўйича дастлабки рўйхат тузилди, ҳозирда рўйхат такомиллаштирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Мамлакатимизда Умумжаҳон репрезентатив рўйхатига киритилган Бойсун маданий муҳити ва "Шашмақом" каби дурдоналарни асраш ва тарғиб этиш бўйича ЮНЕСКО билан ҳамкорликда катта ишлар амалга оширилди. Самарқандаги "Шарқ тароналари" фестивали доирасида мақом санъати масалаларига бағишланган илмий анжуманлар ва етук ижрочилар томонидан маҳорат дарслари, консерваториянинг катта залида мақом концерт-кечалари, "Назм ва наво" мусиқий-шеърий концерт дастурлари ўтказилмоқда. Бу каби амалий ишлар дунё жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланмоқда. Жумладан, Фарғона водийсининг ноёб жанри бўлмиш Катта ашулани асраш ва тарғиб этиш лойиҳаси АССИ ЮНЕСКО (Япония) томонидан Олтин медал билан тақдирланди.

Анъанавий мусиқанинг ҳар бир намунаси асрлар давомида кўплаб истеъдодли етук созанда ва хонандалар томонидан сайқалланиб, юксак санъат намунаси даражасига кўтарилган. Анъанавий ижрочиликнинг ўзига хос маҳорат мактаблари алоҳида ўрин тутган. Булар мақомчилик, бахшичилик, ашулачилик, қўшиқчилик, созандачилик каби ўзига хос мактаблардир. Фолклор мусиқаси намуналарини тарғиб этишда яллачи, созанда, халфа, гўянда каби ижрочиларнинг ўрни аҳамиятли. Анъанавий мусиқа санъатининг улкан билимдони, устоз Юсуфжон қизиқ Шакаржонов уни шундай таърифлайди: "Миллий мусиқа санъатимиз бамисоли бир дарахт бўлиб, унинг томири Хоразм, танаси Бухоро, шохлари Фарғонадир". Ота Жалол Носиров, Ота Ғиёз Абдуғани, Леви Бобохонов, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Муллақандов, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Матёқуб ва Матюсуф Харратовдан тортиб, Комилжон Отаниёзов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Юнус Ражабий, Фаттоххон Мамадалиев, Расул қори Мамадалиев, Ҳалима Носирова, Берта Давидова, Турғун Алиматов, Саодат Қобуловагача кўплаб санъаткорлар, кейинчалик уларнинг шогирдлари анъанавий мусиқа санъатимиз хазинасини бойитдилар. Анъанавий ижрочиликда бир-бирига ўхшамаган ажойиб ижро услублари ва янги асарлар яратдилар.

Ҳозирги кунда ёш авлод вакиллари ана шундай бой ва ноёб меросимизни асраш ва тарғиб қилишда фаол иштирок этмоқда. Жумладан, Урганч давлат университети ўқитувчи ва талабалари томонидан "Хоразм танбур чизиғи" замонавий нота тизимида ўрганилмоқда, Термиз давлат Университети ўқитувчи ва талабалари Сурхон воҳасига хос маросим қўшиқлари, дўмбира, чанқовуз чолғу куйлари ва достон ижро услубларини тадқиқ этишмоқда. Фолклор санъати анъаналари Тошкент маданият институтида, халфачилик санъати Хива мусиқа мактабларида, катта ашула анъаналари Фарғона санъат коллежида ва Р.Глиэр номидаги академик лицейда, анъанавий ижрочилик услуби ва анъаналари Ўзбекистон консерваторияси, вилоят санъат ва мусиқа коллежларида ўрганилмоқда.

Халқимизда қўшиқ билан кўнгил ўсади, деган нақл бор. Зотан, қўшиқ турмуш қийинчиликларини енгишда, машаққатли кураш кезларида, қувонч ҳисларини ифодалашда инсонга ҳамиша ҳамдам ва ҳамдард бўлиб, унга маънавий куч-қудрат, бардамлик бағишлайди. Оналаримиз алласи, кекса бувиларимизнинг қўшиқ ва лапарлари, аёлларимизнинг соғим қўшиқлари ва ёр-ёрлари, деҳқонларнинг майда ва суст хотин қўшиқлари, етук бахшиларимиз термалари ва ниҳоят мақом тароналари — булар бир умрлик юрак бойлигимиздир.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, кўп асрлар давомида тўйларимизни безаб келган муборак, қутлов, ёр-ёр, ўлан, келин салом, айтишув каби қўшиқларимиз, лапарларимиз бугун йўқолиш арафасида. Уларнинг ўрнига янги қўшиқлар, маросимлар билан боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келмоқда. Агар улар чинакам санъат асари сифатида қадр-қиммат топса, хазинамиз янада бойиган бўларди. Бироқ бу каби қўшиқларда мавзу майдалиги, чинакам туйғулардан маҳрумлик, бир-бирини такрорлаш, ўхшашлик, ҳатто тақлидчилик ҳоллари кўпайиб бораётир. Ҳолбуки, халқ яратган қўшиқларда санъатсевар элимизнинг донишмандлигини кузатиш мумкин, уларни тинглаб тўймаймиз. Шу боис халқ қўшиқларини ёзиб олиш, уларни тадқиқ этиш ва халққа асл ҳолатида етказиш айниқса, ёш санъаткорлар зиммасига жиддий масъулият юклайди.

**Рустамбек АДУЛЛАЕВ,**
**санъатшунослик фанлари доктори**

## Кўргазма залларида

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида "Олтин мерос зарварақлари" кўргазмасининг иккинчи фасли очилди. Галерея фаолиятининг йигирма йиллигига бағишланган мазкур кўргазмада Миллий банк тўпламидаги энг сара ва нодир экспонатлар намойиш этилмоқда.



Маълумки, Миллий банк мамлакатимизнинг ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этиб, тасвирий санъат соҳасида ижод қилаётган истеъдодларнинг ютуқларини қўллаб-қувватлаб, халқимиз бой маданиятини тарғиб қилиб келмоқда. Экспозициядан йигирманчи асрда ижод этган машҳур рассомлар ҳамда навқирон авлод вакилларининг асарлари ўрин олган. Сергей Юдин, Александр Волков, Неъмат Қўзибоев, Абдулҳақ Абдуллаев, Акмал Нур, Шаҳноз Абдуллаева, Бобур Исмоилов каби турли даврга мансуб рассомларнинг асарлари томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда. Кўргазма бир ой давом этади.

**Севара ПАЁЗОВА**

# БУЮРТМА КОСТЮМ

Ҳажвия

Янги костюмга буюртма бермоқчи бўлиб, кўримсизгина, тепасига "Хизматингиздамиз!" деб ёзиб қўйилган хусусий тикувчилик корхонаси биносига кирдим. Мижозга ҳурматни қаранг, ҳурматни! Мени қош-кўзлари попукдай, истаралигина аёл — маиший хизмат кўрсатиш корхонаси директори шахсан қабул қилди. У мақсадимни англаб, бу ерда фақат мижозларнинг ўзлари олиб келган матолардан буюртма қабул қилиниб, кийим-кечак тикилишини айтди.

Мен нима ҳам дердим, уларда тартиб-қоида шунақа бўлса. Қанақа материал олиб келсам экан, дея бироз хаёлга ботган эдим, аёл ўзига жудаям ярашган қошларини бир чимирдию муқовасига "Буюртмачи учун қўлланма", деб ёзилган қалингина китобчани қўлимга тутқазди:

— Танишиб чиқиб, унда кўрсатилганларни олиб келсангиз, биз сиздан миннатдор бўламиз.

"Қўлланма"ни ўқиб, керакли нарсаларни ён дафтаримга ёзиб олдим.

Хуллас, орадан бир неча кун ўтгач, костюм тиктириш учун лозим, дейилган ашёларни олиб яна маиший хизмат кўрсатиш корхонасига бордим. Зил-замбил жомадонни бир ўзим эплолмасдим, барака топкур такси ҳайдовчиси ёрдамлашди. Бу сафар ҳам мени ўша соҳибжамол аёл, яъни директор кутиб олди.

— Адашмасам, сиз костюм тиктирмоқчи эдингиз, шундайми-а? — деди у шаҳло кўзлари чақнаб. — "Қўлланма"да кўрсатилган нарсаларнинг ҳаммасини олиб келдингизми?

— Ҳаммасини... — дедим жомадонни очиб.

— Қани, текшириб кўрайлик, — деди аёл нозистиғно билан "Қўлланма"ни очиб. — Демак, материал.

— Кўрсатилганидай, мана, уч ярим метр.

— Астарлик...

— Мана, астарлик ҳам бор.

— Пахта...

— Марҳамат.

— Ёқалик мато...

— Бор, мана.

— Отнинг қили...

— Қиллар асл арабий тулпорники...

— Жуда яхши! Иплар-чи... уч ғалтак рангли ва икки ғалтак оқидан?

— Худди айтилганидай, мана, уч ғалтак: жигарранг, икки ғалтак оқ.

— Тўғнағичлар...

— Марҳамат, бош томонлари рангли.

— Ангишвона...

— Мана, иккита.

— Нега иккита? Сиз битта костюм тиктирасиз, шекилли?

— Фаҳмимча, тикувчининг иккита — чап ва ўнг қўллари бор-ку?..

— Тўғри фикр. Биз "Қўлланма"нинг кейинги нашрига бу тузатишни албатта киритамиз... Рангли бўрлар, кўраяпман. Келтириб берасиз, игналар... тугмачалар... ҳаммаси яхши, ўлчагич-сантиметрлар-чи?

— Марҳамат, клёнка ва ёғочдан ишланганлари.

— Ажойиб-а, қайчилар-чи? Катта ва кичигидан...

— Мен фақат чўнтак қайчиси ва ўртачасидан олақолдим, мана.

— Ўртачаси керакмас, майли, биз маъмуриятчи, бюрократ ҳам эмасмиз, иккаласини берақолинг, — аёл шаҳло кўзларини карашма ила тикдию фикримни маъқуллагандай бир жилмайди. — Сиз менга ёқаяпсиз, вақти келиб, сиздан намунали буюртмачи чиқади, тушунган, интизомли...

— Ғоятда мамнунман, — дедим унга қоғоз узатаётиб.

— Бу яна нима?

— Поликлиникадан маълумотнома.

— Нега, бу "Қўлланма"да кўрсатилмаган-ку?

— Биламан, лекин ҳар эҳтимолга қарши олақолдим...

— Нима тўғрида бу маълумотнома?

— Менинг ҳар иккала қўл ва оёқларимнинг узунлиги бир хил эканлиги ҳақида. Бу — бичиқчининг ишини осонлаштиради!

— Ажойиб ташаббус! — мамнун жилмайди аёл. — Шу пайтгача биронта мижоз бундай маълумотномани олиб келмаганди. Катта раҳмат, сизга!

У шодланиб қўлимни қисди, ҳатто қип-қизил бўёқдор лабларини чўлпиллатиб юзимдан ўпиб ҳам олди. Мен уялгандай бўлиб ерга қарадим, аёлнинг бўйинларидан қимматгина фаранг атри анқиб, бошимни бироз айлантирган эди-да.

Кутилмаганда директорнинг нигоҳи алланималарни излагандай олазарак бўлиб жомадон атрофларида айлана бошлади ва ниҳоят ҳайратомуз кўзларини катта-катта очиб менга боқди.

— Эҳ, сиз, — ўкинч билан чинқирди у. — Булар билан иш битмайди, энг муҳим нарсани келтирмабсиз-ку, машина қани?

— Қанақа машина?

— Қанақа машина дейди-я яна. Албатта, тикув машинаси-да?!

Мен унга ажабланиб қарадим, у ҳам менга термулиб турарди. Шу аҳволда қанча турдик, билмайман. Ахийри, мен: "Э, "Хизматингиздан" ўргилдим", дея жомадонимни апил-тапил йиғиштирдиму кўчага отилдим. Ишбилармон аёл эса орқамдан:

— Ҳой мижоз, ҳой мижоз, тезроқ машинани олиб келинг, костюмингизни узоғи билан уч ойларда тикиб берамиз, — дея қичқирганича қолаверди...

**Мўмин ҚАЮМ**

# НАРСАЛАР СЎЗИ

Ўзим ўқийман!

### Занжир:

**— Пўлат симдан узилдим,**
**Ҳалқа бўлиб тизилдим.**
**Во, занжирга айландим,**
**Қопонғич ит бойланди.**
**Чиқармайман ҳеч қўлдан,**
**Қўрқмай ўтингиз йўлдан!**

### Бешлик:

**— Беш панжам бор, кафтим йўқ.**
**Белкуракдай афтим йўқ.**
**Хас-хашакни жамлайман,**
**Емайман, ғарамлайман.**

### Тахта-ўқлов:

**— Биз иккимиз қозонга,**
**Яқин бормас пазанда.**
**Угра, чучвара, манти,**
**Бўлса ишлаб бақамти**
**Хамир ёйиб берсак бас,**
**Таъмига биз кафилмас.**
**Кимлар еса ейверсин,**
**Нима деса дейверсин.**

### Чакич:

**— Чакичманда ўзим, зўр,**
**Нон пишганда ишим кўр.**
**Хамир чоғи чекканман,**
**Юзлаб тешик экканман.**
**Сири: ҳаво ўтказиш,**
**Нонни тобга етказиш!**

### Чойнак:

**— Менга сув тўлғизишар,**
**Оловга ўтқизишар.**
**(Элга маъқул хизматим,**
**Шундан баланд иззатим).**
**Сув қайнаса биқирлаб,**
**Кулгим келар қиқирлаб.**



**Жилмасамда ўрнимдан,**
**Буғ чиқариб бурнимдан**
**Паравозга ўхшайман...**
**Доим хизматга шайман.**

**Йўлдош СУЛТОНОВ**



БАЛИҚ ОВИ. Ш.МУЗАФФАР чизган сурат.

# ҲАЁТ ЭЛИКСИРИ НИМАДА?

Ярославллик Вадим Раскостов: "касалликнинг отаси номаълум бўлса-да, онаси, албатта, нотўғри овқатланишдир", деган мақолни такрорлашни хуш кўради. У ўттиз йилдан буён дорихонага бормай қўйган. Бироқ ўзининг энергияахборий табобат концепциясини яратиш билан машғул.

— Инсон имкониятларининг қамрови (иш қобилияти, жинсий фаоллиги, ташқи кўриниши) энергетик потенциал билан бевосита боғлиқ, — дейди у. — Умр мобайнида у доимий тарзда эмас, балки 25-30 ёшдан бошлаб муттасил камайиб боради. Кўпчилик эллик ёшни кексайиш баҳори, деб ҳисоблайди. Мен эса ҳақиқий ҳаёт айнан эллик ёшдан бошланади, дейман. Ҳатто 120-180 ёшгача яшаб, узоқ умр кўриш ҳам реал ҳодисадир.

Инсон организмида кечадиган модда алмашинувининг якуний маҳсулоти — бу энергия. Модда алмашинуви ушбу босқичларни ўз ичига олади: овқатланиш ва нафас олиш жараёнида тўйимли моддаларнинг организмга кириши; таом ҳазми ва кислород ўзлашиши натижасида организм тўқималарининг тўйиниши; тўқималар метаболизми ёхуд тўқималарда биоэнергия ҳосил бўлиши. Одам организмида миллиардлаб тўқималар мавжуд. Демак, моддалар алмашинуви жараёнида ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган улкан миқдорда энергия ҳосил бўлади. Саломатлик, аъзои баданимиздаги аъзолар ва тизимларнинг тикланиши учун бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган уч жараёнда — овқатланиш, таомни ҳазм қилиш ва нафас олиш жараёнларида кечадики, бунда мувозанат барқарор бўлиши керак.

Соғлиғинг — бойлигинг

Олмониялик биохимик, Нобел мукофоти лауреати Отто Варбург саратон хасталиги, асосан, тўқималарга кислороднинг етарли даражада етиб бормаслиги оқибатида келиб чиқади, деб ҳисоблайди. Мана, масалан, оддий бир тест: сонияларни қайд этгичга (секундомер) қараб, нафас олинг ва уни чиқармай нафасни тўхтатиб туринг. Агар ҳансирамасдан кўпи билан 25-30 сония нафасни ушлаб туролсангиз, демак, сиз кучсиз нафас олиш тизимига эгасиз. Бу тоифадаги одамларда иммунитет заиф, шамоллашга, яллиғланиш ва юқумли хасталикларга мойиллик бўлади. Агар 1,5-2 дақиқа нафас чиқармай тура олсангиз — ўртача типдаги нафас олиш тизимига эгасиз. Бироқ кучсиз ва ўртача типдаги нафас олиш тизимига мансуб кишилар ҳам муттасил шуғулланадиган махсус машқлар орқали нафас олиш қобилиятини ошириши мумкин.

Мана, энг оддий машқ: юз, елка, бўйин ва умуртқа атрофи мушакларини 2-5 дақиқа мобайнида бўш қўйинг. Сўнг кўкракнинг 70-80 фоизини нафас билан тўлдирган ҳолда уни чиқармай туринг. Эътиборни кўкракка қаратинг ва шошилмай 10-20 сонияда эркин нафас чиқаринг. Бу машқни 5-10 дақиқа такрорланг. Шунга амал қилсангиз, шамоллаш, нафас олиш аъзолари хасталикларининг олдини олиб, иммунитет тизимини кучайтиришга эришасиз. Эътиборни чот(оралиқ)да тўплай олсангиз, простата бези хасталигининг олдини оласиз. Бундай машқлардан тузилган муолажа мажмуи 12 та машғулотдан иборат.

Овқатланиш масаласида эса, таомларнинг бир-бирига мутаносиблиги бўйича жадвал тузиб чиқдим. Асосий тамойил қуйидагича: баъзи (асосан ўсимликлардан тайёрланган) таомларни ҳазм қилиш учун ишқорли муҳит зарур бўлса, бошқа бирлари (асосан, ҳайвонот маҳсулотлари) учун шўр муҳит керак бўлади. Мактабдаги кимё сабоқларидан биламизки, кислота ва ишқор аралашиб кетса, бир-бирини емиради. Бизнинг ошқозонимизда ҳам шундай жараён кечади. Шу сабабли, аввало, оқсилларни углеводлар, шўр сабзавот, мева ва мариналанган таомлар билан аралаштирмасликка ўрганинг. Агар улар аралашиб кетса, чириш жараёнлари юзага келади.

Энергия даражасини ошириш фақат овқатланиш ва нафас олишга доир ишларнинг ўзи билан чегараланиб қолмайди. Бу борада бир қанча қизиқарли тавсиялар мавжудки, уларни қўллаш организмда кучли руҳий-энергетик потенциал — ёшликнинг ноёб эликсирини яратиш имконини беради.

# ПЕТРУШКАНИНГ МИНГ БИР ФОЙДАСИ

Петрушка баргларини сиқиб сувини юзга суртсангиз юздаги офтобдан қорайиш ва доғларни кетказади. Негаки, у С дармондорисига ниҳоятда бой кўкат ҳисобланади. Унинг таркибида керотин, В1, В2 дармондорилари, фолий кислотаси, калий, магний тузлари, темир ва ферментли моддалар кўп. Петрушкани бемалол истеъмол қилиш ва терига суртиш мумкин. У шишларни қайтаради ва терини тозалайди.



# СУТНИНГ ХОСИЯТИ

Сут таркибида юздан ортиқ фойдали моддалар бўлиб, у инсон организмининг тўйимли моддаларга бўлган эҳтиёжларни тўкис таъминлай олади. Сутдаги оқсиллар иммунитетни мустаҳкамлайди, сут таркибидаги ёғлар эса биологик фаол ҳамда ноёб тўйимли моддаларга бойдир (юз грамм сутда бор-йўғи 3,2 грамм ёғ бор, холос). Агар кимдадир сутни ҳазм этиш билан боғлиқ муаммолар бўлмаса, унинг таркибидаги лактоза жуда катта наф беради. Лактоза асаб тизими ишини мустаҳкамлаб, юрак-қон томир хасталикларида ёрдам беради.

Мутахассислар фикрига кўра, озиқ-овқат саноатидаги ултрапастеризация жараёнида сутдаги кераксиз микроорганизм ва бактериялар ўлиб, фойдали моддалар тўкис сақланади. Бунда янги соғилган сут атиги 3-4 сония 135-137 даражали ҳароратда қизитилиб, бирданига совутилади. Шу боис, сутдаги барча тўйимли ва фойдали моддалар ҳафта мобайнида яхши сақланади.

# ҚЎШИҚ БЎЛГАН ШЕЪРЛАР

Доимий ҳамроҳ

**Давлатинг борида, авжинг зўрида**
**Йўқлаб келар ҳатто бегоналар ҳам.**
**Давлатинг йўғида, бахтинг шўрида**
**Саломинг олмайди девоналар ҳам.**

Хушовоз хонандалар томонидан ижро этилган ушбу ашулани халқимиз севиб тинглайди. Шеър шарқона ҳикматга йўғрилгани, халқона оҳангда битилгани, жонли ва ҳаётийлиги туфайли юракка яқин. Шундай ҳаётий сатрлар муаллифи Шамсиддин Садоийнинг кўплаб шеърлари қўшиқ бўлган.

Қўшиқларни тинглаш яхши, бироқ қўшиқ бўлган шеърларни ўқиш янада мароқли.



Чунки ҳар бир шеърнинг мусиқаси ва оҳангини ўқувчининг ўзи ҳис этгани маъқул. Бадиий сўз ташбеҳу истиоралари, теран фалсафаси мазмуни ва маънолари билангина адабиёт мулкига айланади. Шу маънода шеърлари тўпланиб, китоб шаклида чоп этилганда шоирнинг маҳорати қай даражада экани намоён бўлади...

Шамсиддин Садоийнинг "Дунёни муҳаббат олади" ("Шарқ" НМАК бош таҳририяти, Тошкент, 2010) шеърий китоби нашр этилди. "Бухорои шарифнинг истеъдодли шоири Шамсиддин Садоий қадим шарқ адабиётимизнинг нафис даричасини эҳтиром билан чертмоқда. Унинг орзу-ниятлари буюк устозлар назарига тушиб, шеърият бобида ижобат бўлғай. Шамсиддин таъби нозик йигит. Албатта шу маънода ўзига хос Машрабфеъл шоир..." — деб ёзади "Дунёни муҳаббат олади" китоби сўзбошида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов. Китобга Ватан, она, муҳаббат, вафою садоқат мавзусидаги шеърлар жамланган.

# УЧРАШУВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти бўлими қошидаги "Сангзор" адабий тўгарагида мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Тўгаракнинг бу галги меҳмони "Менсизлик", "Номсиз", "Қайтиш" номли шеърий тўпламлар муаллифи Ойдиннисо ҳозирги адабий жараён, шеъриятда ижодкор шахси ва замон, ҳаёт манзараларининг бадиий ифодаси, кўрсатилаётган эътибор хусусида сўзлади. Шунингдек, кечада жиззахлик ижодкорлар Меҳринисо Абдураҳмонова, Абдухалил Satторов, Саъдина Бобомуродова, Сайёра Эргашева ва бошқалар янги шеърларидан ўқиб беришди.

**Кумуш ЎСАРОВА**

# «ЮРТНИ СЕВМОҚ САОДАТИ»

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими биносида «Юртни севмоқ саодати» номли Самарқанд баёзининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, шоир-ёзувчилар, талаба-ёшлар ҳам иштирок этди.

Юртбошимизнинг 2009 йилда Ёзувчилар уюшмаси фаолияти самарадорлигини ошириш борасида билдирган таклифларига биноан жорий йилнинг учинчи июнь кунида Самарқанд шаҳридаги гўзал бинолардан бири таъмирланиб, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимига топширилган эди. Бинонинг очилиш маросимида иштирок этган воҳа ижодкорлари бундай эътибор ва имкониятдан хурсанд бўлиб, янада фаолроқ қалам тебратишга аҳд қилишди. Учрашувнинг ўзидаёқ Ватан, она мавзуида ёзилган шеърларни тўплаб, самарқандлик шоирлар китобини яратиш таклифи ҳам ўртага ташланди. Бу эзгу ниятнинг самараси ўлароқ Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида Тошкентдаги «Тафаккур бўстони» нашриётидан «Юртни севмоқ саодати» номли Самарқанд баёзи нашрдан чиқди.



Китоб вилоят ҳокими З.Мирзаевнинг сўзбошиси билан бошланган. Унда Президентимизнинг қалам аҳлига доимий эътибори туфайли яратилаётган шарт-шароит, яхши асарларни рағбатлантириш, ёш истеъдодларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани хусусида сўз боради.

Тақдимотга йиғилганлар китобнинг ўзига хос дизайни ва сифатини алоҳида таъкидлашди.

— Шоир борки, Ватан, она ҳақида ёзсам дейди, ёзгандаям ҳеч ким ишлатмаган, ишлатолмаган ташбеҳларни қўллаб, энг яхши шеър яратиш учун қўлга қалам олади, — дейди шоира Жумагул Сувонова. — Рости ҳам ҳар биримиз энг яхши шеър, деб Ватан ҳақида ёзилган мисраларни кўрсатамиз. Ушбу баёзнинг ютуғи шуки, унга самарқандлик ижодкорларнинг она-Ватан мавзусидаги энг сара шеърлари киритилди. Кўплари қўшиқ бўлган, ўқувчига ёд бўлиб кетган. Ишонч билан айтиш мумкинки, бу китобдаги кўплаб шеърлар ҳали қўшиқ бўлиб куйланади.

Ушбу баёз вилоят ҳокимлиги ҳомийлигида чоп этилди. Унга саксонга яқин шоирларнинг шеърлари киритилди. Баёзнинг иккинчи жилди тайёрланмоқда. Унга насрий асарларни киритиш кўзда тутилган.

**Анвар МУСТАФОҚУЛОВ**

# СИЗДАН НИМА КЕТДИ?

Луқма

"Диёр" газетасини мунтазам мутолаа қилиб келаман. Яхши мақолалар чиққанда ўқиб хурсанд бўламан. Баъзан бўш материаллар босилиб қолса, дарҳол таҳририятга қўнғироқ қилиб, фикримни айтаман...

Газетанинг шу йил 4 август сонида эълон қилинган таниқли ҳофиз Ҳожиакбар Ҳамидовнинг фаол мухбир Назокат Умарова тайёрлаган "Яхши қол, эй, дилбарим..." мақоласини ҳам қизиқиш билан ўқидим. Ҳофиз бу ашуланинг яратилиш тарихи, адиб Ўткир Ҳошимовнинг "Баҳор қайтмайди" қиссаси, ундаги "йигит қўшиғи" "1967-68 йилларда чоп этилган"и журналда шеърни ҳаяжонланиб ўқиб, тезда унга куй басталагани, ашулани ижро этиб, кенг шуҳрат қозонганини эслайди.

"Илк марта бу қўшиқни 1972 йилда саҳнада ижро этганман", дейди ҳофиз. Агар хотирам панд бермаса, у эслатган 1967-68 йиллардаёқ бу ашула талабалар орасида айтиларди.

Янглишмасам, шеър радифи журналда "кетмоқдаман" эмас, "кетмакдаман" эди. Бу икки сўз ўртасида фарқ бор. "Кетмакдаман"да поэтика, назокат, муҳаббати рад этилган ошиқ йигитнинг армони бор. "Кетмоқдаман"да эса оддий хабар, жўн дарак гап мазмуни бор, холос. Худди "буниси ўхшамади, буёғи бир гап бўлар, кетяпман", деганга ўхшаш.

Бундан ташқари, ҳар бир шеърнинг қалби, уни ушлаб турган ўзак сўзлари бўлади. Ғазал шаклидаги бу шеърда "кадар" сўзи бош сўз. Шеърни шеър қилган, унга мазмун бахш этган сўз шу. "Кадар"да ранжу алам, исмсиз дард, нотавону бечоралик, хўрланганлик, айни пайтда, умид, ўзига, ҳақлигига, ишқининг табиийлигига ишонч туйғулари мужассам:

**Яхши қол, эй, дилбарим,**
**дилда кадар кетмакдаман,**
**Ишқ аро энди ҳолим**
**зеру забар, кетмакдаман.**
**На ишончу на қувончу**
**на кўнгилдан очма гап,**
**Барчасидин ушбу кун йўқдир**
**самар, кетмакдаман...**

Тағин бир жиҳати: "Диёр", ўз анъанасига кўра, "Бир қўшиқ тарихи"ни бераркан, одатда ҳофиз, бастакор, шоирни "гапиртирар"ди. Бу мақолада ҳофизу бастакор бир одам дейилганига урғу беришган-у шеърни муаллифсиз, вазнини бузилган ҳолда, имло хатолари билан "ёритишган".

Хўп, аслида машҳур қўшиқ муаллифи ким? Бу саволга жавобни ёш журналист Назокат Умарова билмаслиги мумкин, билган тақдирда ҳам таҳлил қилиб, асослаб бериши мушкул. Бироқ ҳофиз Ҳожиакбар Ҳамидов билмаслиги мумкинми? Наҳотки, 40 йил давомида бирор шинаванда ҳофиздан: "Бу ашулангизнинг шеърини ким ёзган?" деб сўрамаган бўлса?!

Ваҳоланки, шоиру адиблар, 70-йиллар талабалари, шеърият мухлислари "кетмакдаман" радифли ғазал муаллифи шоир Абдулла Орипов эканини яхши билишади. Ўша йилларда ёш ёзувчи Ўткир Ҳошимов ажойиб қисса ёзган, курсдоши Абдулла Ориповнинг янги ёзган ғазали шу қисса қаҳрамони Алимардон руҳиятига ниҳоятда мос тушган. Ғазал қиссага, узукка кўз қўйгандек, ярашиб тушган. Уни ҳофиз қўшиқ қилиб айтиб, элга танилган...

Бу ижодий ҳамкорлик эслатилса, газетхонлар ҳам, шинавандалар ҳам машҳур қўшиқнинг яратилиши ва муаллифлари ҳақида тўла маълумотга эга бўлардилар. Ахир, шундай бўлгани маъқул эмасми?!

**Маҳмуд САТТОРОВ**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzas@b2c.uz
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Масъул котиб – Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир – Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА
Саҳифаловчи – Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41 уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 5076 Буюртма Г — 944. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН